БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

132 (4379).

4 ИЮЛЬ
ШАНБА
1970 йил,

Баҳоси 2 тийин.

КРЕМЛДА КОСМОНАВТЛАР ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

1970 йилнинг 1 июнь куни Совет Иттифоқида экипажи кема командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР нинг космонавт учувчиси полковник Андриян Григорьевич Николаев ва бортинженер, техника фанлари кандидати Виталий Иванович Севостьяновдан иборат «Союз-9» космик кемаси Ернинг сунъий йўлдоши орбитасига чиқариб қўйилган эди.

1970 йилнинг 19 июнида «Союз-9» космик кемаси планлаштирилган 18 кунлик парвоз программасини бажарганидан кейин Москва вақти билан соат 14 дан 59 минут ўтганда белгиланган районга ғолт аниқ қўнди.

Космик парвозни амалга ошириш вақтида мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун СССР Олий Совети Президиуми Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР нинг космонавт учувчиси А. Г. Николаевни иккинчи «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотлади. А. Г. Николаевга авиация генерал-майори ҳарбий унвони ҳам берилди. Ўртоқ В. И. Севостьяновга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони ва «СССР нинг космонавт учувчиси» унвони берилди, унга Ленин ордени ҳамда «Олтин Юлдуз» медали топширилади.

Кеча Москвада, Катта Кремль саройида шонли космонавтлар шарафига қабул маросими ўтказилди. Қабул маросимида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади. Ўртоқ Л. И. Брежнев космонавтларни партия Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг топшириғига биноан қизғин табриклади ҳамда Ватан бахт-саодати йўлида қилаётган меҳнатларида уларга янги ва катта муваффақиятлар тилади.

(Қабул маросими ҳақидаги батафсил ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонида босилади).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1970 йил 3 июлда ўз ишини давом эттирди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қишлоқ хўжалик соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисида қилган доклади юзасидан музокараларда Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодюл, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани Раиси Н. К. Байбаков, КПСС Новосибирск область комитетининг биринчи секретари Ф. С. Горячев, СССР тайёрлаш министри З. Н. Нуриев, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Усубалиев, КПСС Белгород область комитетининг биринчи секретари Н. Ф. Васильев, СССР химия саноати министри Л. А. Костандов, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Э. Восс, КПСС Саратов область комитетининг биринчи секретари А. И. Шибаев, СССР қишлоқ хўжалик министри В. В. Мацкевич, КПСС Воронеж область комитетининг биринчи секретари Н. М. Мирошниченко, КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари В. И. Долгих, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Е. Е. Алексеевский, Украина Компартияси Кировоград область комитетининг биринчи секретари М. М. Кобильчак ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Мажлиснинг охирида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев якунловчи нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитети Пленуми «Қишлоқ хўжалик соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

Пленум шу билан ўз ишини тамомлади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК СОҲАСИДА ПАРТИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1970 йил 3 июлдаги қарори

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида ушбу беш йиллик планнинг бажарилишини тугалламоқда. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг зўр ғайрат билан қилган ишлари туфайли шу йиллар мобайнида экономика ва маданиятни ривожлантириш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш соҳасида катта муваффақиятларга эришилди.

Колхозчилар, совхоз ходимлари партия XXIII съезди ва Марказий Комитет Пленумларининг қарорларини бажара бориб, шаҳар меҳнаткашларининг актив қўллаб-қувватлаши билан қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга муваффақ бўлдилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини ялпи етиштиришнинг ўртача йиллик миқдори 1966—1969 йилларда 79 миллиард сўмлик бўлди. Бу — аввалги беш йилликдагига нисбатан 12,7 миллиард сўм ортиқдир.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғини ривожлантиришда—дон етиштиришда ижобий силжишларга эришилди. Доннинг ҳар йилги ўртача ялпи ҳосили 1966—1969 йилларда 162 миллион тонна бўлди ва 1961—1965 йиллардагига нисбатан 32 миллион тонна, ёки қарийб 25 процент ортди. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳам кўпайди. Шу йиллар ичида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги, чорва мол ва паррандаларнинг маҳсулдорлиги ошди.

Партиянинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш, барча ишларни механизациялаш ва минерал ўғитлардан кенг фойдаланиш, ерларни мелиорациялаш ва колхоз ҳамда совхозларни ривожлантиришда иқтисодий стимулларни юксалтиришга қаратилган йўлини изчил амалга ошириш натижасида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш орта борди. Қишлоқ хўжалигига сарфланган капитал маблағ кўпайди, қишлоққа тракторларни, дон йиғиштириб оладиган комбайнлар, автомашина ва бошқа техникани етказиб бериш кўпайди. Қишлоқ хўжалиги беш йилликнинг тўрт йили мобайнида аввалги тўрт йилликдагига нисбатан 1,8 баравар кўп минерал ўғит олди. Ерларни мелиорациялаш программаси амалга оширилмоқда. Кейинги тўрт йил ичида янгидан суғориладиган 1,2 миллион гектар ер ва захи қочирилган 3,1 миллион гектар ер ишга солинди.

Колхоз ва совхозларнинг экономикаси мустаҳкамланиб бормоқда ва шу асосда қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги ошиб бормоқда. Қишлоқда уй-жой, маданий ва маиший иншоотлар қуриш жараёни жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Шундай қилиб, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида катта натижаларга эришилди. Аммо қишлоқ хўжалиги тараққиётининг якунларига мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг хом ашёга бўлган ҳамда тобора ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш нуқтаи назаридан баҳо бериладиган бўлса, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳозирги даражасини етарли деб ҳисоблаб бўлмайди. Совет экономикасини ривожлантириш суръатлари, халқ турмуш даражасининг тўхтовсиз ошиб бораётганлиги қишлоқ хўжалиги олдига янги, янада катта талабларни қўяди.

Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини тезликда мустаҳкамлаш, уни техника билан янада кўпроқ таъминлаш заруратини туғдиради. Қишлоқ хўжалик машиналари, транспорт воситалари, минерал ўғитларнинг етишмаётганлиги, мелиорацияланган ерлар салмоғининг унча катта эмаслиги, чорвачиликнинг озуқа билан етарли таъминланмаганлиги, қайта ишлаб берувчи саноатнинг орқада қолаётганлиги, шунингдек колхоз ва совхозларнинг талайгина қисмида хўжалик юритиш маданиятининг ҳали ҳам паст даражада эканлиги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстириш суръатларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бир қанча область, ўлка ва республикалардаги партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колхоз ва совхозларнинг ишини маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, маҳсулотнинг таннарҳини камайтириш учун резервлардан тўлароқ фойдаланиш йўлидан суст олиб бормоқдалар, планларни бажаришда исрофгарчилик, интизомсизлик каби фактларга, ердан қишлоқ хўжалигига алоқаси бўлмаган мақсадларда норационал фойдаланилишига тоқат қилиб келмоқдалар. Ҳосилдорлик ҳали паст даражада бўлган, ердан, техникадан, ўғитлардан ва бошқа моддий ресурслардан яхши фойдаланилмаётган, чорва мол туёғи ва маҳсулдорлиги суст ўсиб бораётган колхоз ва совхозлар оз эмас. Баъзи колхозларда асосий фондларни мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун кам маблағ ажратилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми **қарор қилади:**

1. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қишлоқ хўжалик соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги докладида баён этилган хулосалар ва таклифлар маъқуллансин.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш асосида уни янада тезроқ тараққий эттириш — яқин даврдаги асосий ва биринчи навбатдаги вазифаларнинг биридир. Колхоз ва совхозларда ер ва техникадан фойдаланишни яхшилаш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини анча ўстириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннарҳини камайтиришга эришиш зарур.

2. Марказий Комитет Пленуми деҳқончилик соҳасида барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва дон, пахта, қанд лавлаги, кунгабоқар, сабзавот, картошка ҳамда бошқа маҳсулотлар етиштиришни тўхтовсиз ўстиришни таъминлаш учун умумхалқ курашини уюштиришни энг муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Келгуси беш йилликда ҳар бир колхоз ва совхозда дон экинлари ҳосилдорлигини кескин суратда ошириш зарур, токи бутун мамлакатда дон экинлари ҳосилдорлиги гектар бошига камида тўрт центнер кўпайсин. Техника экинлари, озуқа экинлари ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини кўпайтириш ҳам муҳимдир. Шу мақсадда колхоз ва совхозларда деҳқончилик маданиятини юксалтириш — тупроқнинг унумдорлигини ошириш, энг кўп ҳосил берадиган навларни экиш, алмашлаб экишни жорий қилиш, ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик юзасидан самарали тадбирлар системаси ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

Дон етиштиришни кўпайтириш аввалгидек бундан буён ҳам асосий проблема бўлиб қолади. Келгуси беш йилликда доннинг ўртача йиллик ялпи ҳосили 195 миллион тоннани ташкил этиши керак.

1971—1975 йиллар учун йилига 60 миллион тонна миқдорида дон харид қилишнинг мустаҳкам, ўзгармас плани белгилансин.

Пландан ташқари дон харид қилишни рағбатлантириш юзасидан Марказий Комитетнинг март Пленумида қабул қилинган принцип сақлаб қолинсин ва давлатга пландан ташқари дон сотганлик учун колхоз ва совхозларга асосий харид нархининг 50 проценти миқдорида устама тўлаб борилсин.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари зиммасига товар дон етиштирувчи ҳар бир колхоз ва совхознинг, ҳар бир область, ўлка ва республиканинг қатъий планни бажариш билан бирга беш йилликда давлатга пландан ташқари камида 35 процент дон сота олиши учун ҳамма чораларни кўриш мажбурияти юклатилсин.

1971—1975 йилларда пахта, қанд лавлаги, кунгабоқар, зиғирпоя толаси, сабзавот, картошка, мева-чева, узум, чой ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш анча кўпайтирилсин.

3. Марказий Комитет Пленуми чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга алоҳида эътибор беради.

Гўшт, сут, тухум ва жун етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтиришдан колхоз ва совхозларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва СССР Министрлар Совети қабул қилган чоралар маъқуллансин.

Марказий Комитет Пленуми партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларидан, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларидан чорвачиликдаги камчиликларга қатъий барҳам бериш, чорва мол ва паррандалар сонини кўпайтирган ҳолда, уларнинг маҳсулдорлигини оширишни таъминлашни талаб қилади.

Чорвачилик маҳсулотларини саноат негизида етиштириш кенг ривожлантирилсин. Келгуси беш йилликда шаҳарлар атрофида чўчқа гўшти етиштириш, қорамолни бўрдоқига боқиш ва сут етиштириш бўйича йирик комплекслар қурилсин. Шу билан бирга, янги паррандачилик фабрикалари қурилсин, механизациялаштирилган қўйчилик фермалари вужудга келтирилсин.

Чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш йил сайин кўпайтирилсин. 1975 йилда чорва мол ва паррандаларни давлат йўли билан харид қилиш плани 16 миллион тонна (тирик вазнда), сут харид қилиш плани 55 миллион тонна, тухум харид қилиш плани 26 миллиард дона, жун харид қилиш плани (ҳисобга киритилган вазнда) 470 минг тонна миқдорида белгилансин. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни шу тариқа таъминлаш кераккн, ҳар бир колхоз ва совхоз давлатга ҳар йили пландан ташқари камида 8—10 процент миқдорида маҳсулот сотсин.

Жамоат чорвачилигини, шунингдек колхозчилар ва совхоз ходимларининг шахсий мулкида бўлган чорва молларни тўла таъминлаш учун озуқанинг ҳамма турларини — пичан, сенаж, силос, пичан уни, илдиз мевали экинлар етиштиришни анча кўпайтиришга эришмоқ керак. Ўтлоқлар ва яйловларни яхшилаш соҳасидаги ишларни кенгайтириш, ғоят маҳсулдор маданий яйловларни вужудга келтириш зарур. Таркибида оқсил моддаси кўп бўлган беда, йўнғичқа, нўхат, вика, люпин, сўя экинларини экиш кўпайтирилсин. Ўт уруғчилигини тубдан яхшилаш чоралари кўрилсин.

Омихта ем саноатини бутун чоралар билан ривожлантириш таъминлансин, давлатга қарашли бўлган ва ишлаб турган омихта ем заводлари реконструкция қилинсин ва янгилари қурилсин. Колхоз ва совхозлар учун автоматлаштирилган ва тежамли бўлган омихта ем агрегатларини кўплаб ишлаб чиқариш уюштирилсин.

Гўшт-суяк уни, балиқ уни, ёғи олиниб бўлган қуруқ сут, озуқабоп ачитқи, ферментлар, витаминлар, антибиотиклар ва консервантлар ишлаб чиқаришни анча ўстириш кўзда тутилсин, бунинг учун гўшт-сут, балиқчилик, озиқ-овқат ва целлюлоза-қоғоз саноати ва микробиология саноатига оширилган топшириқлар белгилаб қўйилсин.

4. Марказий Комитет Пленуми эндиги беш йилликнинг ҳамма йиллари учун колхоз ва совхозларга дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш планларини тўғри белгилашга катта аҳамият беради. Харид қилишнинг қатъий планлари ҳар томонлама асосланган бўлиши керак, ҳар бир хўжаликнинг имкониятлари, табиий ва иқтисодий хусусиятлари, унинг ихтисослаштирилиши, шунингдек янги техника, минерал ўғитлар олиниши, мелиорациялаштирилган ер майдонларининг кенгайтирилиши тўла ҳисобга олиниши лозим.

Пленум қишлоқ хўжалик, тайёрлаш, совет ва партия органлари, колхоз ва совхоз партия ташкилотлари ҳамда раҳбарларининг эътиборини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш давлат планларини бажаришда маҳаллийчилик, интизомсизлик фактлари борлигига жалб этади ва бундай ҳодисаларнинг узил-кесил пайини қирқишни талаб этади. Дон, шунингдек бошқа маҳсулотларни харид қилишнинг қатъий плани ҳамма учун мажбурийдир. Бу планни ўзгартириш мумкин эмас ва уни бажармаслик мумкин эмас. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма маҳсулотларини тайёрлаш давлат планларини бажариш ҳамда пландан ташқари маҳсулот сотишда актив қатнашиш — колхоз ва совхозларнинг энг биринчи бурчидир.

5. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг янги беш йилликда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун— ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший қурилишга, техника сотиб олишга давлат йўли билан 77,6 миллиард сўм, шу жумладан, қурилиш-монтаж ишларига 45,9 миллиард сўм капитал маблағ ажратиш тўғрисидаги қарори маъқуллансин.

Беш йиллик планда зарур моддий-техника ресурслари билан тўла таъминлаш учун колхозлар томонидан сарфланадиган капитал маблағлар 43 миллиард сўмлик бўлиши, шу жумладан, қурилиш-монтаж ишларига 28 миллиард сўм капитал маблағ сарфлаш кўзда тутилсин.

СССР Министрлар Советига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига йиллик планларни бажариш жараёнида қўшимча маблағлар ва моддий ресурсларни қидириб топиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфлаш топширилсин.

6. Беш йиллик охиригача минерал ўғитлар ишлаб чиқариш камида 90 миллион тоннага ва ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситаларини ишлаб чиқариш 450 минг тоннага етказилсин. Химия ва микробиология саноатининг янги заводларини қуриш ва ишлаб турган корхоналарини кенгайтириш кўзда тутилсин. 1975 йилда қишлоқ хўжалигига минерал ўғитлар етказиб бериш камида 72 миллион тоннага ва озуқа фосфатлари етказиб бериш 3 миллион тоннага етказилсин.

Минерал ўғитларнинг сифати оширилсин, юқори концентратли комплекс ўғитлар етказиб бериш кўпайтирилсин, уларни ташиш учун махсус вагон ва автомобиллар ҳамда минерал ўғитларни жойлаш учун махсус идишлар ишлаб чиқариш кескин суратда кўпайтирилсин, ана шу ўғитларни сақлаш учун базалар қурилиши кенгайтирилсин. Колхоз ва совхозларда минерал ва органик ўғитлардан фойдаланишни яхшилаш ҳамда уларни қўлланишнинг самарадорлигини ошириш чоралари кўрилсин.

7. Марказий Комитет Пленуми ер мелиорациясини ривожлантириш халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Эндиги беш йилликда қуйидаги ҳажмларда мелиорация ишлари бажарилсин: 3 миллион гектар янги суғориладиган ер ишга туширилсин; ғоят захкаш районларда 5 миллион гектар майдонда мелиорация системалари қурилсин, шу жумладан, 3 миллион гектар майдонда ёпиқ дренаж қурилсин; камида 8 миллион гектар майдонда ўтлоқлар ва яйловлар тубдан яхшилансин; сув билан таъминланишни ошириш соҳасидаги ишлар рўёбга чиқарилсин ва техникавий жиҳатдан яхшилашни талаб этадиган мавжуд суғориш системаларини реконструкция қилиш асосан тугаллансин.

Украинанинг жанубида, Краснодар ва Ставрополь ўлкаларида, Ростов областида, Шимолий Кавказнинг бошқа районларида ва Поволжьеда суғориладиган товар дон етиштирувчи йирик районларни вужудга келтириш соҳасидаги ишлар кучайтирилсин. Шолипоялар анча кенгайтирилсин. Пахта экиладиган районларда сув хўжалиги қурилиши суръатлари жадаллаштирилсин. РСФСРнинг қора тупроқли бўлмаган минтақасида, Узоқ Шарқда, Сибирь ва Уралда, Украинадаги Полесьеда, Белоруссияда, Болтиқ бўйи республикаларида ерларни мелиорациялаш кенг ривожлантирилсин. Колхоз ва совхозларда мелиорациялаштирилган ерлардан фойдаланиш яхшилансин. Тупроқ эрозиясига қарши кураш ва далаларни иҳота қилиш учун дарахтзорлар вужудга келтириш соҳасидаги ишлар комплексининг кенгроқ кўламда амалга оширилиши таъминлансин.

СССР Министрлар Советига 1971—1975 йиллардаги мелиорация ишлари программасини бажариш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилсин.

8. Марказий Комитет Пленуми яқин йиллар ичида трактор, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва мелиорация машинасозлигини янада тараққий эттиришни таъминлаш, бу тармоқларда қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини вужудга келтириш зарур, деб ҳисоблайди, токи янги беш йилликда тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва мелиорация машиналари, транспорт воситалари ва уларнинг запас қисмларини ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин. Саноатнинг барча тармоқлари колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини техника билан қайта таъминлаш, қишлоқ хўжалиги учун машиналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш вазифасини ҳал этишда актив қатнашмоқлари лозим.

Пленум Авиация саноати министрлиги, Машинасозлик министрлиги, Кемасозлик саноати министрлиги, Оғир машинасозлик, Энергетика ва транспорт машинасозлиги министрлиги, Мудофаа саноати министрлиги, Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлигининг ва бошқа министрликларга қарашли корхоналарнинг қувватлардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги учун машиналар, асбоб-ускуналар, запас қисмлар ва бошқа моддий-техника воситалари ишлаб чиқаришни уюштириш ҳамда уларни кўпайтириш соҳасидаги ташаббусини маъқуллайди.

СССР Госпланига ва саноат министрликларига, завод директорлари ва партия ташкилотларига кооперация бўйича қишлоқ хўжалик машиналари, агрегатлар, узеллар ва запас қисмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корхоналарда мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиш топширилсин.

Министрликлар ва идоралар, илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюроларга комплекс механизациялашни амалга ошириш учун зарур бўлган янада такомиллаштирилган қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқариш чораларини кўриш топширилсин. Машина ва механизмларнинг сифатли, чидамли бўлиши ва узоқ вақт ишлаши анча оширилсин.

9. 1971 — 1975 йилларда қишлоқ хўжалигига 1 миллион 700 минг трактор, 1 миллион 100 минг юк автомобили, 541 минг ғалла ўриш комбайнлари, 230 минг силос комбайнлари ва қанд лавлаги казувчи 60 минг комбайн, 1 миллион 500 минг трактор прицепи, 87 минг экскаватор, 82 минг бульдозер, 42,5 минг скрепер ва 15 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари, шу жумладан чорвачилик фермаларини механизациялаш ва ем-хашак тайёрлаш учун 6 миллиард сўмлик машина-ускуна етказиб берилсин.

Чорвачиликда кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларни механизациялашга алоҳида эътибор берилсин, ана шу мақсад учун қишлоқ хўжалигига машина ва механизмларнинг зарур комплекслари етказиб берилсин.

Колхоз, совхозларда ва «Союзсельхозтехника» ташкилотларида, шунингдек автомобилларга техникавий хизмат станцияларида, ремонт базаларини мустаҳкамлаш, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналаридан ғоят унумли фойдаланишни таъминлаш чоралари кўрилсин.

Колхоз ва совхозлардаги доимий механизатор кадрларга катта аҳамият бериб, СССР Министрлар Советига қишлоқ хўжалигида ана шу кадрларнинг муқим ишлаб қолиши учун кескин чораларни ишлаб чиқиш топширилсин ва бунда уларнинг ғоят унумли меҳнат қилишлари учун шарт-шароит вужудга келтириш, моддий манфаатдорликларини ошириш ва маънавий стимулларни кучайтириш, шунингдек турмушларини яхшилаш кўзда тутилсин.

10. Эндиги беш йилликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёни қайтадан ишлаб берувчи саноат қувватларини анча ошириш чоралари кўрилсин. Мавжуд элеваторлар, ун комбинатларини, гўшт-сут саноати, озиқ-овқат саноати, енгил саноат ва бошқа саноат тармоқларидаги корхоналарни реконструкция қилиш, янгиларини қуриш, уларни замонавий машина-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилсин; тегишли маҳсулот ва хом ашё етиштириладиган районларга энг рационал яқинлаштиришни кўзда тутиб, ана шу корхоналарнинг тўғри жойлаштирилиши таъминлансин.

11. Яқин йиллар ичида қишлоқда қурилиш ишларининг катта программаси бажарилиши кераклигини эътиборга олиб, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилсин, токи ана шу министрлик корхоналари ва ташкилотлари беш йиллик охиригача қишлоқда йилига камида 5,5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарсинлар.

Совхоз ва колхозлардаги қурилиш ишларига бошқа министрликлар ҳам жалб этилсин ва уларнинг конкрет пудрат ишлари ҳажми белгилаб берилсин. Колхозлараро қурилиш ташкилотлари бутун чоралар билан мустаҳкамлансин, улар техника, машина-ускуналар ва зарур материаллар билан таъминлансин. Қишлоқ хўжалик иншоотларини лойиҳалашни тубдан яхшилаш ва лойиҳаларнинг сифатини ошириш чоралари кўрилсин. Қишлоқдаги қурилишни тобора кўп миқдорда бинокорлик материаллари билан таъминлаш учун ана шу материалларни ишлаб чиқариш қувватлари оширилсин.

12. Марказий Комитет Пленуми қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқотларни янада ривожлантиришга, фаннинг колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши билан алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга муҳим аҳамият беради. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясига, СССР Министрлар Советининг фан ва техника Давлат комитетига ҳамда СССР Фанлар академиясига илмий муассасаларнинг фаолиятини яхшилаш чораларини кўриш топширилсин. Бунда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш перспектив проблемаларини ҳал этиш, қишлоқ хўжалик экинларининг юқори ҳосилли янги навларини, чорва молларнинг ғоят маҳсулдор зотларини етиштириш ва тез кўпайтириш, шунингдек маҳсулотнинг ҳар бир турини етиштиришнинг энг самарали ва энг тежамли технологик процессларини ҳамда механизациянинг янги воситаларини колхоз ва совхозлар учун ишлаб чиқиш кўзда тутилсин. Ўсимлик ва ҳайвонлар зараркунандалари ва касалликларига қарши курашнинг янги методларини, хусусан ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик воситаларини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш кучайтирилсин. Қишлоқ хўжалик илмий муассасалари ва ўқув юртларининг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин.

(Давоми иккинчи бетда).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК СОҲАСИДА ПАРТИЯНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

[Бошн 1-бетда]

13. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми интизомни, топширилган иш учун совет қонунларига сўзсиз риоя қилиш ва уларни ижро этиш учун шахсий жавобгарликни ошириш зарур эканлигини кўрсатиб, партия ташкилотларининг, партия ва давлат барча ходимларининг эътиборини шунга жалб этади. Ер тўғрисидаги қонунга колхознинг янги Устави га риоя қилиш қишлоқ меҳнатчилари учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

Пленум СССР Қишлоқ хўжалик министрлигидан, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигидан, «Союзсельхозтехника»дан, СССР Тайёрлаш министрлигидан ва уларнинг жойлардаги органларидан, партия ва совет органларидан, барча ходимлардан ер давлат ва колхоз маблағларидан фойдаланишдаги хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши, маҳаллийчилик кўринишлари ва бировга боқим бўлиш кайфиятларига қарши қатъий кураш олиб боришни талаб қилади. Хўжалик ҳисобини қунт билан жорий қилиш, колхоз ва совхозларнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан контролни кучайтириш зарур. Касаба союз ва комсомол ташкилотлари қишлоқ Советлари ва колхозлар Кенгашлари халқ контроли комитетлари бу ишда катта роль ўйнашлари керак.

14. Марказий Комитет Пленуми қишлоқ хўжалиги соҳасидаги йирик вазифаларни ҳал этиш партиянинг, барча партия ташкилотларининг зўр ғайрат билан ишлашларини, уларнинг сиёсий ва ташкилотчилик фаолиятини юксак даражага кўтаришни, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг социалистик мусобақасини кенг авж олдиришни талаб қилади, деб таъкидлайди.

Колхоз ва совхозларда деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини юксалтириш, фан ва илғор практика ютуқларини жорий қилиш, капитал маблағлардан, ер, техника, ўғитлардан ва бошқа моддий ресурслар ҳамда пул маблағларидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва шу асосда барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтиришни таъминлаш, қишлоқдаги турмушни янада яхшилаш — қишлоқ партия ташкилотларининг диққат марказида туриши лозим.

Саноат корхоналари ва қурилишлардаги партия ташкилотлари қишлоқ хўжалиги учун топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини доим назорат қилиб туришлари, қишлоққа машина ва ускуналарни, ўғит-бинокорлик материаллари ва бошқа материалларни кўпроқ етказиб бериш учун қўшимча резервлар ва манбаларни қидириб топишлари энг янги техникани қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида жорий қилиш учун актив ёрдам беришлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми колхозчиларни, совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини қишлоқ хўжалигини ривожлантириш планларини муваффақиятли суратда тўла ва ошириб бажариш учун мусобақани янада кенг авж олдиришга даъват этади.

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ишонч билдириб айтадики, мамлакатимизнинг барча коммунистлари, барча меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш борасидаги тадбирларни якдиллик билан маъқуллайдилар. Пленум қарорларининг амалга оширилиши мамлакатда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга қўшилган янги катта ҳисса бўлади.

МАКТАБ ИШИГА— УМУМХАЛҚ ЭЪТИБОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ БАРЧА ПАРТИЯ, СОВЕТ, ҚАСАБА СОЮЗ, КОМСОМОЛ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ҲАМДА КОРХОНА ВА ҚУРИЛИШЛАРНИНГ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИГА, ХАЛҚ МАОРИФИ ХОДИМЛАРИГА, ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ЯНГИАРИҚ РАЙОН МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ

МУРОЖААТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Хоразм областидаги Янгиариқ район меҳнаткашларининг мурожаатини маъқуллади. Бу мурожаатда райондаги халқ маорифи ишларини 1971—1975 йилларда тубдан яхшилаш тадбирлари баён қилиб берилган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети республиканинг партия, совет, касаба союз, комсомол ва жамоат ташкилотларига, корхона ва қурилишларининг, колхоз ва совхозларнинг коллективларига, халқ маорифи органларига ва мактаб педагоглари коллективларига Янгиариқ райони меҳнаткашларининг қимматли ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва улардан ўрнак олиб 1971—1975 йилларда халқ маорифини янада ривожлантириш, ўқувчиларга таълим ва тарбия беришни яхшилашга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқишни тавсия этди.

Азиз ўртоқлар!

Совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини тантанали равишда нишонлади.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари Ленин йўлидан дадил бормоқдалар.

Ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, янги дунёнинг муносиб қурувчиларини тарбиялаб етиштириш лозим бўлган мактабнинг роли ҳозирги пайтда ҳар қачонгидан ҳам ошиб бормоқда.

Янгиариқ районининг партия, совет ва жамоат ташкилотлари партия XXIII съездининг қарорларини ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ўрта умумий таълим мактабининг ишини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорини бажараборибоқ, мактабларни кенгайтириш ва кўпайтириш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, болаларни ўқитиш ва тарбиялашни такомиллаштириш чораларини кўрмоқдалар.

Революциядан олдин битта ҳам мактаб ва олий маълумотли битта ҳам киши бўлмаган Янгиариқ районида ҳозирги вақтда 71 та умумий таълим мактаби ишлаб турибди ва бу мактабларда 23 мингдан кўпроқ бола ўқитилмоқда, болалар учун очилган музика ва спорт мактаблари ишлаб турибди. Болаларни 1200 ўқитувчи тарбияламоқда. Шулардан 673 киши олий маълумотга эга. Бундан ташқари районда бўлган 30 та мактабгача тарбия болалар муассасаларида 1680 бола тарбияланмоқда.

Мактаблар қуриш ҳам кенг авж олиб кетди. Шу беш йилликнинг ўзидагина 5560 ўқувчига мўлжалланган 19 та типовой мактаб биноси қурилди. Маориф объектларини қуришда колхозлар ва райондаги бошқа ташкилотлар бевосита қатнашмоқда.

Болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ишини янада тубдан яхшилаш мақсадида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ялпи ўрта таълимга ўтиш муносабати билан республикада халқ маорифини янада яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорини амалга ошираборибоқ, Янгиариқ районининг партия, совет ва жамоат ташкилотлари янги беш йилликда—1971—1975 йилларда қуйидаги тадбирларни ўтказишга қарор қилдилар:

1. Мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаймиз, буниинг учун:

—12.736 ўқувчига мўлжалланган 27 та мактаб биносини қуриб жиҳозлаймиз, шу жумладан 8776 ўқувчига мўлжалланган 20 та мактабни колхоз маблағлари ҳисобидан, 960 ўқувчига мўлжалланган 3 та мактабни совхозларнинг маблағлари ҳисобидан, 3000 ўқувчига мўлжалланган 4 та мактабни давлатнинг капитал маблағлари ҳисобидан қуриб жиҳозлаймиз.

—Мавжуд мактаб биноларига қўшимча қилиб 41 та синфхона, 15 та ошхона, 21 та ўқув кабинети, куни узайтирилган группалар учун ва мактаб хузурудаги интернатлар учун 11 та бино қурамиз;

—спорт заллари бўлмаган мактабларда 8 та спорт зали қурамиз;

— Ишлаб турган мактабларда 53 та ўқув кабинетини, 40 та устахонани янгидан ускуналаймиз:

— 66 та ўқув кабинетини, 27 та устахонани янги ускуналар билан таъминлаймиз;

—мактабларга 436 минг сўмлик янги асбоб-ускуна олиб берамиз.

2. Мактабгача тарбия болалар муассасалари шохобчаларини кенгайтирамиз, буниинг учун:

—900 ўринли 10 та мактабгача тарбия болалар муассасаларини қўшимча равишда қуриб битказамиз;

—мактабгача тарбия болалар муассасаларини яроқли тайёр бинолarни шу муассасаларга ўтказиб 1000 ўринли 9 та янги мактабгача тарбия муссасалари очамиз.

3. Район марказида болалар спорт мактаби учун бино қуриб берамиз ва бўшаб қолган бинолардан фойдаланиб, пионерлар уйи ва болалар музика мактаби ташкил этамиз.

4. 1971 йилдан 1975 йилгача бўлган давр ичида мактабларнинг моддий базасини юқорида кўрсатиб ўтилганидек кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун жами 11.255 минг маблағ ажратамиз, шу жумладан колхозчилар умумий йиғилишларининг қарорларига биноан колхозларнинг маблағларидан 8.563 минг сўм, совхозларнинг маблағларидан 840 минг сўм, давлат капитал маблағларидан халқ хўжалик плани лойиҳасига мувофиқ 1.852 минг сўм пул ажратишни кўзда тутамиз.

5. Муаллимларнинг квартираларини, асбоб-ускуналарни, ўқув курсларини, мактабларни ва бошқа муассасаларни ҳар йил 20 августга қадар ремонт ишларини юқори сифатли бажариб тўла равишда қўлдан чиқарамиз.

6. Мактаблар, болалар боғчалари, яслилари, мактабдан ташқари муассасаларнинг территорияларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини давом эттирамиз. Мактабларга олиб келадиган ўқувчиларнинг ҳаммасига асфальт ётқизамиз, барча мактаблар, болалар боғчалари ҳузурида бот ва токзорлар барпо қиламиз, уларни ҳар доим парвариш қилишни ташкил этамиз.

7. 1972 йилга қадар мактабларни ва болалар муассасаларини тўла равишда радиолаштирамиз, электрлаштирамиз, овқат пиширадиган жойларни газлаштирамиз, трубалар ўрнатамиз.

8. Мактаблар ва мактабгача тарбия болалар муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш юзасидан олинган мажбуриятларнинг ҳаммаси район ва областнинг моддий техникавий ресурслари доирасида амалга оширилади.

9. Умумий мажбурий таълим тўғрисидаги қонунни ҳеч сўзсиз ва тўла-тўкис бажариш масаласи бутун район жамоатчилигининг диққат марказида туради.

Шу мақсадда:

— 1970—1971 ўқув йилидан бошлаб мактабдан узоқда яшовчи болаларнинг ҳаммасини маршрут автобусларида ҳамда колхоз ва совхозларнинг транспортларида ҳар кун мактабларга олиб келиш ва уйларига қайтариб олиб бориш ташкил этилади;

— куни узайтирилган группаларда шуғулланишга эҳтиёжи бўлган ўқувчиларнинг ҳаммаси 1975 йилнинг охиригача шу группаларга тортилади;

— бюджетдан ажратилган маблағларга қўшимча равишда ҳар бир колхоз ва совхоз, корхона ва ташкилот умумий мажбурий таълим фондига берадиган ўзининг ажратмаларини йилдан-йилга кўпайтираберади.

10. Ёшларга умумий ўрта таълим беришга ўтиш тадбирлари ҳамма жойда амалга оширилаберади. шу муносабат билан:

— саккиз йиллик мактабларни ўрта мактабларга айлантириш учун зарур шароит вужудга келтирилгандан сўнг бу мактабларни бирин-кетин ўрта мактабларга айлантириш иши давом эттирилади;

— ишлаб турган, ўрта маълумоти бўлмаган ёшларнинг ишлаб чиқаришдаги ажралмаган ҳолда ўрта маълумот олишлари учун бутун зарур шарт-шароит яратиб берилади;

— кадрларга эҳтиёж бўлганлиги сабабли саккиз йиллик ва ўрта мактабларни битириб чиқаётган ёшлар ишга жойлаштирилаберади ёки ҳунар-техника мактабларига, ўрта махсус ва олий ўқув юртларига ўқишга юборилаберади.

11. Саккиз йиллик ва ўрта мактабларнинг ҳаммасида ошхоналар ишлаб туради.

Колхозчилар умумий йиғилишларининг қарорларига мувофиқ уларнинг болаларини машғулот кунларида колхозларнинг маблағлари ҳисобидан бир марта иссиқ овқат билан, шу жумладан: 1—X синфларнинг ўқувчилари 1970/71 ўқув йилидан бошлаб, II—III синфларнинг ўқувчилари 1975/76 ўқув йилидан бошлаб таъминланади.

12. Халқ маорифи органлари ва мактабларнинг педагоглар коллективлари ўқувчилар билан олиб борилаётган таълим тарбия ишларини муттасил такомиллаштирадилар, давлат программаларида қўйилган талаблар даражасида уларнинг тўла равишда улгуришларига эришадилар ва ўқувчиларни ахлоқ кодекси руҳида тарбиялашни таъминлайдилар.

13. Муаллимларнинг ғоявий-сиёсий, илмий-назарий ва методик жиҳатдан яхши тайёрланган бўлиши ўқувчиларнинг улгуришини ва билимлари сифатини ошириш улар билан тарбиявий иш олиб бориш ҳал қилувчи шарт эканлигини ҳисобга олиб, барча муаллимларнинг ҳамда мактаб, халқ маорифи органлари ва болалар муассасаларида ишловчи бошқа ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таъминланади, педагоглар билан методик ишлар мактабларни янги ўқув планларига, программаларига ўтказиш талабларига мувофиқ олиб борилади, бу ишга барча муаллимлар тортилади.

Азиз дўстлар!

Болалар бизнинг фахримиз, шуҳратимиз, келажагимиз. Оталар ва оналарнинг шонли жанговар ва меҳнат анъаналарини улар давом эттиради, коммунизмнинг нурафшон биносини муносиб қурувчилари мана-шу болалар бўлади. Ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашдан кўра мухимроқ вазифамиз бўлиши мумкин эмас.

Олинган мажбуриятларни бажариш биздан катта куч, ғайрат ва сабот талаб қилишини биламиз.

Мактабларимиз ва болалар муассасаларимизда таълим тарбия ишларини ҳозирги замон талаблари даражасида ўтказишни таъминлайдиган энг яхши шарт-шароит вужудга келтириш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Биздан ўрнак олиб, Совет Ўзбекистонида халқ маорифини янада ривожлантиришни таъминлаш, деб республиканинг партия, совет, касаба союз, комсомол ва жамоат ташкилотларига, корхона ва қурилишларининг, колхоз ва совхозларнинг коллективларига, халқ маорифи ходимларига, бутун жамоатчиликка мурожаат қилаётгирмиз.

МАЗКУР МУРОЖААТ ХОРАЗМ ОБЛАСТИДАГИ ЯНГИАРИҚ РАЙОНИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

МУСОБАҚАДОШЛАР АНИҚЛАГАН КАМЧИЛИКЛАРНИ ТЕЗДА ТУГАТАЙЛИК

Қардош Тожикистондан келган ўзаро текшириш бригадаси Бекобод район далаларида бўлишди. Пахтазорларни кўздан кечиришди. Тажрибали пахта усталари, моҳир механизаторлар билан ўзаро тажриба алмашдилар.

Бекобод пахтакорлари бу йил зиммаларига 47000 тонна пахта етиштириш, ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилдорликни 24 центнерга кўтариш мажбуриятини олишган. Улар ғўзаларнинг яхши ривожланиши учун бутун билим ва тажрибаларини ишга солишмоқда. Ойбек номли совхоз, Дзержинский номли ва «Победа» колхозларида ғўза парвариши қониқарли олиб борилмоқда. Тожикистонликлар юқоридаги хўжаликларда бўлганда пахтакорларнинг шу кечакундузда олиб бораётган ишларидан мамнун бўлдилар.

Далварзин чўлларида «оқ олтин»дан юқори ҳосил кўтаришни дилига жо қилиб меҳнат қилаётган миришкорлар дала ишларини қизғин олиб боришмоқда. Аммо бригада аъзолари 3-«Далварзин» совхози деҳқонлари ҳузурида бўлганида ғўза парвариши ачинарли аҳволда эканлигини таъкидлашди.

Совхоз пахтакорлари, 2250 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22—25 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллаб ишюритмоқдалар. Лекин бу ерда ғўза парвариши арзимаган сабаблар билан суст олиб борилаяпти. Совхознинг кўпчилик майдонлари ғўзаларига шира тушган. Шунингдек, 600 гектарга яқин майдонлари ғўзани бетона ўт босиб кетган. У ерда ғўзаларни суғориш ҳам кўнгилдагидек эмас. Натижада ғўзалар ўсишдан, ривожланишдан анча орқада қолмоқда.

Ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари юқоридаги камчиликларни тезда бартараф этиш, ғўза парваришини бутун чоралар билан кучайтириш лозимлигини уқтирдилар.

—Ғўзанинг ҳосилдор бўлиб етилишида уни ўз вақтида қондириб суғориш ва озиқлантириш муҳим роль ўйнайди,—дейди ўзаро текшириш бригадасининг аъзоси Тожикистон ССР Ленин районидаги «Роҳатий» колхози партия ташкилотининг секретари Максатулло Кўканов.—Биз хўжалик пахта далаларини кўздан кечирганимизда ана шу агротехник тадбирнинг бажарилишига алоҳида аҳамият бераяпмиз. Ғўзаларнинг аксарияти қондириб суғорилмаган. Қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Натижада ғўзаларнимжон ўсмоқда. Пахтакорлар ана шу агротехника қоидаларига қатъий риоя қилишлари, ғўзаларни культивациялаш, суғориш ва чопиқ қилиш ишларини бутун чоралар билан кучайтиришлари керак.

Райондаги «Коммунизм», Навоий номли, Ленин номли, 3-«Далварзин» совхози ва бир қатор хўжаликларда ғўза парвариши ниҳоятда суст олиб борилаяпти. Бу хўжалик майдонларида тўлиқ гектарлар, серхосил кўчатлар бунёд қилиш учун кураш ҳалигача қизитилмаган. Майдонларда кўчатлар ниҳоятда сийрак. Бекобод шароитида ҳар гектар ерда 80—85 минг туп кўчат лозим бўлса, ҳозирги кунда майдонларда гектар бошига ундан кам кўчат тўғри келади, холос. Бу аҳволда ҳосил қачон тугатилади, ғўза парвариши қачон кучайтирилади?

Районда ғўзаларни суғориш ҳам ёмон аҳволда. Айрим майдонларда шу кунгача бирор марта суғорилмаган ғўзалар кўзга ташланиб турибди. Бу ғўзалар тепасидан гуллаб ҳосил олишдан тўхтаб қолган. Бундан ташқари хўжаликларда пахта майдонлари бегона ўтдан вақтида тозаланмаяпти. Вахоланки бу ишларни бажариш учун колхоз ва совхозларда етарли техника, ишчи кучи мавжуд.

Айрим хўжалик раҳбарлари техника ва одам кучи бизда етарли эмас деган баҳоналарни рўкач қилишмоқда. Мана бир мисол. Ойбек номли совхознинг Сотиболди Холиқулов бошчилик қилаётган бригадасида 104 гектар майдонга 2 та трактор. 26 ишчи кучи тўғри келади. Бу бригадада ғўза парваришини намунали ташкил этилган.

Комиссия аъзолари Бекобод район пахта далаларини айланганда мана шуларга алоҳида эътибор беришди. Райондаги баъзи бир бўлим ва звеноларда ғўзалар миқдоридан ортиқча селитра билан озиқлантирилган. Натижада ғўзалар говлаб ҳалигача гулга кирмаган.

Комиссия аъзолари ана шуларни алоҳида таъкидлаб ўтишди. Ғўза парваришида зарбдор ой ҳисобланган июль ойининг биринчи ўн кунлигида парваришни янада кучайтириб барча майдонгаги ғўзаларни озиқлантиришни тугаллаш кераклигини айтдилар.

Н. ТЎРАЕВ.

Район газеталари редакторларининг кенгаши

Яқинда область партия комитетида район газеталари редакторларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда район партия комитетларининг идеология иши бўйича секретарлари, пропаганда ва агитация бўлими мудирлари ҳам иштирок этдилар.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда район газеталарининг ролини ошириш учун нималар қилмоқ керак, КПСС Марказий Комитетининг ана шу ҳақда чиқарган қарори қандай бажариляпти?. Газеталарнинг ишини янада жонлантириш, босилаётган материалларнинг мавзу доирасини кенгайтириш, ғоявий савиясини кўтариш, таъсирчанлигини ошириш, меҳнаткашларнинг куч-ғайратини муҳим снёсий хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажариш учун сафарбар этишда матбуотнинг роли катталигидир.

Кенгашда ана шу ҳақда эркин фикр алмашилди. Жумладан, Юқори Чирчиқ районида чиқадиган «Сурҳат» газетасининг редактори Р. Довутбеков газетанинг оммавий-ташкилий ишлари ҳақида, Оржоникидзе районида чиқадиган «Коммунизм тонги» газетаси редактори Р. Убайдуллаев газета ишини планлаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар, тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Матбуот меҳнаткаш омма билан партиянинг алоқасини мустаҳкамлашда муҳим воситадир, «Янгийўл» газетасининг редактори З. Қуртнезиров район партия комитетининг бевосита ёрдами ва қўллаб-қувватлаши натижасида область партия комитетида район газеталари редакторларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда район партия комитетларининг идеология иши бўйича секретарлари, пропаганда ва агитация бўлими мудирлари ҳам иштирок этдилар.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда район газеталарининг ролини ошириш учун нималар қилмоқ керак, КПСС Марказий Комитетининг ана шу ҳақда чиқарган қарори қандай бажариляпти?. Газеталарнинг ишини янада жонлантириш, босилаётган материалларнинг мавзу доирасини кенгайтириш, ғоявий савиясини кўтариш, таъсирчанлигини ошириш, меҳнаткашларнинг куч-ғайратини муҳим снёсий хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажариш учун сафарбар этишда матбуотнинг роли каттадир.

Кенгашда ана шу ҳақда эркин фикр алмашилди. Жумладан, Юқори Чирчиқ районида чиқадиган «Сурҳат» газетасининг редактори Р. Довутбеков газетанинг оммавий-ташкилий ишлари ҳақида, Оржоникидзе районида чиқадиган «Коммунизм тонги» газетаси редактори Р. Убайдуллаев газета ишини планлаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар, тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Матбуот меҳнаткаш омма билан партиянинг алоқасини мустаҳкамлашда муҳим воситадир. «Янгийўл» газетасининг редактори З. Қуртнезиров район партия комитетининг бевосита ёрдами ва қўллаб-қувватлаши натижасида ғалиначётган ишлар ҳақида сўзлади.

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг секретари У. Йўлдошев ўз сўзини матбуотнинг жанговарлигини ошириш, танқидий мақола ва корреспонденцияларнинг изчиллиги учун курашиш масалаларига бағишлади. Ўз фикр-мулоҳазаларини «Машъал»» газетаси мисолида баён этди.

Бўстонлиқ район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири А. Раҳимбердиев шу районда ўзбек ва қозоқ тилларида чиқарилаётган «Коммунизм учун» газетасининг фаолияти, босмахона ишидаги камчилик ва нуқсонлар ҳақида гапирди. Газета ишини яхшилаш учун амалий ёрдам зарурлигини айтди.

Журналистлар союзи область бўлимининг раиси А. Исмоилов газета саҳифаларида ижодий меҳнат кишиларининг қадр-қимматини улуғлаш, одамларнинг ҳаёти, кундалик турмуши, маданияти, истак ва эҳтиёжлари ҳақида кўпроқ ёзиш лозимлигини уқтирди.

Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Н. Насимов район газеталари саҳифаларида интернационал дўстлик мавзуи ва В. И. Ленининг ғоявий меросини пропаганда қилиш ҳақида сўзлади.

Область партия комитетининг секретари Б. А. Абдураззоқов кенгашга якун ясади. Ў район газеталари олдида турган муҳим вазифаларни таъкидлаб, газеталарнинг омма билан алоқасини янада мустаҳкамлаш тадбирларига алоҳида эътибор берди.

ИЛҒОР ҒАЛЛАКОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитети районлар, совхозлар, колхозлар ва автоколонналараро ғалла ўриш ва давлатга топшириш, уруғлик фонди жамғариш ва ғалла ташиш юзасидан ўзаро социалистик мусобақанинг 1970 йил 1 июлгача бўлган якунини кўриб чиқиб **қарор қилдилар:**

Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Ўрта Чирчиқ районига** (район партия комитетининг секретари **Аҳмедов**, район ижроия комитетининг раиси **Назаров**, район комсомол комитетининг секретари **Мирёқубов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Қўчқоров** ўртоқлар) берилсин. Бу район мавсум бошидан буён планга нисбатан 62,4 процент майдондаги ғалланы ўрган. Ўтган ўн кунликда 34,2 процент майдондаги ғалланы ўришга эришган. Давлатга ғалла топшириш планини 112,2 процент бажариб, ўтган ўн кунликда йиллик планга нисбатан 94,0 процент миқдорида ғалла топширган. Уруғлик жамғариш планини 55,4 процент бажариб ўтган ўн кунлик давомида 21,8 процент уруғлик жамғарган.

Кўчма Қизил байроқ Бўка районидан олиб борилади.

Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районидаги «Охунбобоев номли совхозга** (совхоз директори **Бакиров**, партия ташкилотининг секретари **Бердимуродов**, ишчилар комитетининг раиси **Бойтурганов**, бош агрономи **Эралиев**, бош инженери **Турдиохунов** ўртоқлар) берилсин. Бу совхоз мавсум бошидан бери 78,7 процент майдондаги ғалланы ўриб олган ва ўтган ўн кунликда 31,5 процент ўсишга эришган. Давлатга ўтган 10 кунликда ғалла топшириш планини 125 процент бажаришга эришган. Шунингдек уруғлик фонди жамғариш планини 100 процент бажариб, ўн кунда 62,5 процент ўсишга эришган. Кўчма Қизил байроқ Ўрта Чирчиқ районидаги «Ғаллақудуқ» совхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозга** (колхоз раиси **Дусанбоев**, партия ташкилотининг секретари **Сатимбоев**, бош агрономи **Мелиев**, механизация бўйича раис ўринбосари **Кисонбоев** ўртоқлар) берилсин. Бу колхоз мавсум бошидан бери 50,3 процент майдондаги ғалланы ўриб олган ва ўн кунликда 43,7 процент ўсишга эришган. Давлатга ғалла топшириш планини 101 процент бажариб ўтган ўн кунликда 97,5 процент миқдорида ғалла топширган. Уруғлик жамғариш планини ўтган ўн кунликда 100 процент бажаришга эришган. Кўчма Қизил байроқ шу райондаги «Коммунизм» колхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **74-Тўйтепа автоколоннасига** (автоколонна бошлиғи **Ҳамидов**, партия ташкилотининг секретари **Абдуллаев**, маҳаллий комитет раиси **Галимов** ўртоқлар) берилсин. Бу автоколонна ўтган ўн кунликда ғалла ташиш планини бажариб, 103,8 процент ўсишга эришган. Кўчма Қизил байроқ 46-Алимкент автобазасидан олиб берилсин.

ИЛҒОР САБЗАВОТКОРЛАРГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Оржоникидзе районидаги Киров номли колхозга** (колхоз раиси **Музаффаров**, партия ташкилотининг секретари **Хайитов**, бош агрономи **Пирматов** ўртоқлар) берилсин. Бу колхоз июнь ойи учун шартномада белгиланган давлатга сабзавот сотиш планини ассортимент. лар бўйича 268,6 процент бажарган ҳамда картошка сотиш планини 131,6 процент, мева сотиш планини эса 205 процент бажаришга эришган. Кўчма Қизил байроқ Калинин районидаги Охунбобоев номли колхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Чилонзор райпишчеторгига** (директори **Тўраев**, партия ташкилотининг секретари **Исабоев** ўртоқлар) қолдирилди. Бу райпишчеторг коллективи ойлик сабзавот тайёрлаш ва аҳолига сотиш планини 104,9 процент, картошка тайёрлаш ва реализация қилиш планини 85,1 процент, мева тайёрлаш ва реализация қилиш планини 107,5 процент бажарган.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ҒАЛЛА УРИМ-ЙИҒИМ ВА ДОН ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 3 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

1-стун — районлар, 2-стун — ўриладиган майдон, 3-стун — ўрилган майдон, 4-стун — планнинг бажарилиш проценти, 5-стун — бир кунда тайёрланган дон (тонна ҳисобида) 6-стун — мавсум бошидан буён тайёрланган дон (тонна ҳисобида), 7-стун — планнинг бажарилиш проценти.

Оржоникидзе	490	490	100,0	—	23	—
Калинин	5351	4573	85,5	—	118	118,0
Оққўрғон	2095	1518	72,5	—	—	—
Урта Чирчиқ	26597	18190	68,4	149	2594	128,4
Бўка	9492	5711	60,2	—	564	92,4
Бекобод	5746	3129	54,5	—	289	103,3
Янгийўл	10647	5600	52,6	16	239	217,4
Юқори Чирчиқ	22131	7949	35,9	335	3679	69,1
Бўстонлиқ	9651	1064	11,0	78	117	4,6
Область бўйича	92200	48224	52,3	578	7623	69,3

Солдат САҲИФАСИ

№ 58

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ— ФАРЗАНДЛАР МЕРОСИ

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

БЎЛИНМА МАШЪАЛИ

Абдумуталлиниг ўз йигитлик бурчини бажараётганига бир ярим йил бўлиб қолди. Хизматга келган кунидан бошлаб ишбилармонлиги, интизоми туфайли сафдошлари, командирлари ҳурматини қозонди.

...Бўлинманинг Ленин хонаси. Бугун бу ер одатдагидан гавжум. Жангчи-комсомоллар комсомол комитетининг яни секретарини сайлаш учун тўпланишган. Жангчилар бу лавозимга ажойиб ташкилотчи, ҳарбий ва снёсий тайёргарлик аълочиси, ефрейтор Ғозиқулович лойиқ деб топишади...

Яқинда Абдумутал ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан у «Ҳарбий маҳорати учун» медали билан тақдирланди. Биз ҳамшаҳаримиз Абдумутал Ғозиқулов билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Т. НОРОВ,
оддий жангчи.

ДАСТЛАБКИ ТАШАККУРНОМА

Аҳмаджон яқинда ҳарбий хизматга чақирилган. Тиришқоқ йигит қисқа вақт ичида ўзига топширилган ҳарбий техникани мукаммал ўзлаштириб олди. Унинг яхши хислатларидан бири шуки, командирлар, қандай вазифа юклашмасин, аъло даражада уддасидан чиқади.

Куни кеча бўлинма командири барча жангчиларни саф тортириб Аҳмаджон Иброҳимовга биринчи ташаккурномани эълон қилди. Ўйлаймизки, ҳамшаҳримиз ўзининг жанговар фаолиятида ҳали кўплаб ташаккурномаларга сазовор бўлади.

Т. УСМОНОВ,
ефрейтор.

ФАХРЛАНСА АРЗИИДИ

Бўлинма жангчилари ҳақида гап юритилгудек бўлса, биринчи навбатда оддий жангчи Азалхон Ботиршоев номи тилга олинади. Бунинг боиси бор, албатта. Негаки, йигит ўз касбига алоҳида меҳр қўйганлардан. Юбилей йилида у хизмат қилаётган коллективга коммунистик меҳнат бригадаси номи берилади, бунда Азалхоннинг улуши каттадир. Мана неча ойдирки, у муттасил кунлик топшириқларни ошириб адо этиб келяпти.

Ботиршоевнинг шахсий хизмат дафтарчасига кўз ташласангиз командирлар томонидан эълон қилинган раҳматномалар беҳисоблигига ишонч ҳосил қиласиз. Бўка район қишлоқ аҳли Ботиршоевдек намунали ўғлони билан фахрланса арзийди.

Н. ТОШТЕМИРОВ.
Н-қисм.

ҚАҲРАМОН ИЗИДАН

Ҳаёт ўз йўлида давом этяпти. Йиллар ўтиши билан инсоният хотирасидан уруш даҳшатлари аста ўчиб бормоқда. Усиб келаётган ёш авлод Москва, Сталинград, Курск дуғасида оталари, қариндош-уруғлари олиб борган ҳаёт-мамот жангларини фақат кинолардан, китоблардан билишади, холос. Шу кунги фаровон ҳаётимиз учун жон олиб, жон берган маълум ва номаълум қаҳрамонлар орасида ўзбекистонлик йигитлар ҳам кам эмас ди...

Вальдемар Шаландин номи пойтахтимиздаги 80-мактаб ўқувчилари учун ниҳоятда азиз ва мўътабар. Чунки у ҳам бир вақтлар мана шу илм даргоҳида таҳсил кўрган, Ватанимиз осмонида қуюқ булутлар пайдо бўлган кезларда қалб амри билан Тошкент танк қўшинлари билим юртига ўз ҳужжатларини топширган. Тўққиз ойлик машғулотлардан сўнг офицер Шаландин ҳаракатдаги армияга йўлланма олади.

1943 йилнинг ёзида Вальдемар Шаландин қисми Курск йўналиши томон сафарбар этилади. Тез орада Улуғ Ватан уруши тарихида мислсиз хисобланган жангу жадаллар бошланди. 5 июль куни Сталинград остоналарида шоҳи синган душман Курск дуғаси бўйлаб ёзги уруш ҳаракатларини бошлаб юборди. Бу пайт Шаландин майор Вовченко батальони билан биргаликда Яковлево қишлоғида мудофаада турарди.

Гвардиячи 2-танк батальони қўмондонликининг буйруғига кўра мадад кучлар етиб келгунча қандай бўлмасин ўз позициясини ушлаб қолиши лозим эди Ваҳоланки, батальон бор-йўғи 10 та танкка эга бўлиб, душман сон-саноқсиз ҳарбий техника билан ҳужумга ташланади. Тенгсиз жанг ўнларча соат давом этди. Бу орада немисларнинг мақталган «тигр» ва «пантера»ларидан бир нечтаси ёндириб юборилди. Бизнинг ҳарбий машиналаримиз ҳам бирин-кетин сафдан чиқа бошлайди. Фашистлар эса кетма-кет мадад кучлари юборибтепаликка ҳужумни бир зум тўхтатмайди. Аммо улар 245-тепаликда бор-йўғи битта танк ҳимоя этаётганини билишмасди. Ана шу ягона танкни Вальдемар Шаландин бошлиқ тўрт совет жангчиси бошқарарди.

...Тошкентлик йигит душманни чалғитиш мақсадида ўз танкини дам у тепаликка, дам бунисига олиб ўтиб бир-икки марта ўт очар ва тезлик билан ўрнини алмаштирарди. Гитлерчилар ҳар қанча уни мўлжалга олишмасин, чаққонлик билан чап берар ва кутилмаган тарафда пайдо бўлиб, отишмани давом эттирарди. Чиндан ҳам душман чалғиб, тепаликни бехисоб танклар қўриқлаётган деб ўйлаганди. Шунинг учун фашистлар авиацияни ёрдамга чақиришади.

Вальдемар сўнгги снаряд, сўнгги томчи қони қолгунча жангни давом эттирди. Юраги урушдан тўхтаганда ҳам унинг қўллари қуролни қўйиб юбормаганди. Бу орада орқадан мадад кучлари етиб келиб, душманни қақшата бошлади. 10 соатча жанг олиб борган Шаландин экипажи фашистларнинг икки «тигр», иккита ўртача танки, учта танкка қарши ўт очиш қуроли ва 40 дан ортиқ аскарларини ер тишлатди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 10 январдаги фармонига биноан гвардиячи лейтенант В. Шаландинга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, унинг номи Тошкент танк билим юрти рўйхатига абадий ёзиб қўйилди.

Б. КОНОНЕНКО.

ВЕТЕРАН ҲИКОЯСИ

«Узбексельмаш» заводи 1-цехининг катта устаси Иван Петрович Лебедев иккинчи жаҳон урушининг қатнашчиси. Ўрта бўйли, зуваласи пишиқ бу кишининг ғайрати ичига сигмайди. Агар у билан суҳбат қуриб, неча миллионларнинг ёстиғини қуритган урушдан гап очсангиз, ажал лагерларида кечирган аянчли ҳаётидан ҳикоя бошлайди:

— 1942 йилнинг июль ойи эди. Бизнинг бир неча майда группадан иборат қисмимиз немисларга қаршилик кўрсатишга ҳали келмай. шарқа томон чекинмоқда эди. Мудофаа жангларининг бирида ўровда қолдик. Бизни Минскдаги ҳарбий маҳбуслар лагерига олиб боришди. Машаққатли ҳаёт бошланди. Газандаларга мажбуран ишлаб бериш жонимиздан ўтгач, уч киши бир иложини топиб лагердан қочдик. Тиканак симлар чангалидан қутилган ҳам эдикки, бизни пайқаб қолган қоровул биримизни узоқдан ўқ узиб, йиқитди. Икки киши кучимиз борича ўрмон ичкарисига интилар эдик. Йўқ, барибир ишимиз ўнгидан келмади. Из етаклаган автоматчилар ушлаб олишди. Яна лагерь, яна қийноқ . . .

Тиканакли сим ичидаги дўзахий ҳаёт икки ўртоғим билан мени яна қочишга мажбур этди. Немис тилини, душман ерини билмасдан туриб, қочиб қаерга ҳам борар эдинг. Мюнхенда гестапочилар бизни яна қўлга туширишди. Эсэсчилар тўқмоғи билан бошимизда ёнғоқ чақилди. 14—15 соатлаб ишлардик. 33 килограммга озиб кетдим.Тери суякка ёпишган. Мадорим қуриган эди ҳамки, тўсатдан маҳбуслар жонланиб ҳар тарафга қочабошлашди. Фашист охранкаси саросимага тушиб, колоннага қарши ўт очди. Ажал етмаганини қаранг, астраханлик Геннадий Новоселов (бошқаларнинг исми ёдимда йўқ) ва яна бир неча ўртоқларим билан қочиб, ўлим пайсасидан ситилиб чиқдик!

Суҳбатдошим И. П. Лебедев гамгин кўзларига қалқиб чиққан ёшни артаркан, бироз сукунатга чўмди...

Уруш тугагач тинч ҳаётга қайтган 25 ёшли йигит 1946 йилдан буён «Узбексельмаш» заводида ишлаб келяпти.

Чорак асрлик иш стажига эга бу тиниб-тинчимас инсон корхонанинг бир неча фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари билан тақдирланган. 1-механика-йиғув цехининг 50 ишчига бошлиқ катта устаси И. П. Лебедев намунали хизматлари учун яқинда қўл соати билан мукофотланди. Ҳа, собиқ жангчи ҳалол меҳнати билан ҳаммага ўрнак бўлмоқда.

Ж. ПИРМУҲАМЕДОВ,
инженер.

Граждан мудофааси машқларида

ЧИНИҚИШ

Баланд сершох дарахтлар оғушидаги кичкинтойлар оромгоҳи шу куни барвақт уйғонди. Бўйнига қизил галстук боғлаб олган болалар севинчининг чеки йўқ. Граждан мудофааси машқларининг бошланишига ҳали ҳийла вақт бўлиши, туфайли улар шахматшашка, футбол, волейбол ўйнаш билан банд.

Ниҳоят таклиф этилган 60 га яқин пионер лагерлари раҳбарлари, область граждан мудофааси штаби ходимлари бир-бир кела бошладилар. Фавворалар отилиб турган ҳовуз бўйида «Буревестник» пионер лагери бошлиғи Анвар Утешов билан суҳбатлашамиз. Ў пионер ва ўқувчиларнинг машқларга қандай тайёргарлик кўришганн, кичкинтойлар ҳаёти, уларнинг Калинин районидаги Ленин номли колхоз аъзоларига ёрдамлари хусусида тўхталиб ўтади.

— Шу кунгача, — дейди ўртоқ Утешов — биринчи ва иккинчи отряд пионерлари колхознинг 10 тонна олмасини териб беришди.

Шу пайт лагерь радиоузелидан «Диққат», «Диққат» деган овоз янгради. Анвар Утешов узр айтиб, шошилганча «штаб» томон йўл олди. Ҳозиргина чуғурчуқ уясини эслатиб турган боғга сукунат чўкди. Болалар уюшқоқлик билан ўз павильонларига кириб, кўздан ғойиб бўлишди. Радио карнайи яна «тил»га кирди.

— Диққат, диққат... Ҳамма отряд вожатийлари эудлик билан белгиланган жойга етиб келсинлар!

Машқларни кузатиб турган область граждан мудофааси штаби бошлиғининг ўринбосари Валентин Глушков противогаз кийиб олган болаларнинг хатти-ҳаракатларини кузатар экан, ён дафтарига аллаиималарни ёзиб қўйди. Бу пайт Наташа Апаева бошлиқ иккинчи отряд аъзолари ёнғинга қарши курашиш учун тегишли тадбирлар кўрабошлашди:

— Машқларни ёмон ўзлаштиришмабди, — дейди Глушков Ўқувчилардан кўзини узмай. — Қаранг, анави икки қиз сув, озиқ-овқатларни қандай тартиби билан яширишяпти...


Тўсатдан янграган сирена унинг гапини бўлди. «Душман» ҳаводан ҳужум бошлади. Ўқувчилар ўзлари тайёрлаган ертўлаларга қириб яширинишди. Машқларнинг дастлабки икки босқичи намунали ўтди. Планга мувофиқ навбатдаги босқичда пахта ҳамда боғлагичлар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш йўллари амалда кўрсатилиши лозим. Бу ишни, айниқса, Рамила Икромова ва Оля Чапаевалар яхши бажардилар.

«Ҳужум» вақтида жароҳатланган кишиларга медицина ёрдами кўрсатиш, ёнғинни ўчириш каби машқларни бажаришда ўқувчилар у ёқда турсин, ҳатто катталар ҳам хатоликка йўл қўйишади. Шунинг учун ҳам болалар ҳатти-ҳаракатидаги айрим хатоликлар, жумладан «яранн боғлаш, жароҳатланган кишиларни «найронадар» тагидан олиб чиқиш, радиоактив моддалар билан «заҳарланган» ердан ўтишдаги камчиликлар кечиримли ҳолдир, албатта.

— Назарий билимларни яхши ўзлаштиришган. — юзланди ҳижолатланиб комиссия аъзоларига отряд бошлиғи Апаева. — Кечаги ўтказган репетицияда аниқ бажаришганди. Бугун кўпчилигининг саловати босди, шекилли...

Икки соат давом этган машқлар тугади. Болалар противогаз, замбил, челакларни белгиланган жойга тартиб билан қўйиб, саф тортишди. Айрим нуқсонлардан қатъий назар, пионерлар граждан мудофаасининг асосий масалаларини пухта ўзлаштиришганини памойиш этдилар. Машқларни бажаришда моҳирлик кўрсатган, 2 отряд аъзолари «Буревестник» пионер лагери дирекциясц таъсис этган кубок ҳамда медаллар билан тақдирландилар. «Космос», «Орлёнок», «Спартак», «Дельфин» ва бошқа пионер лагерларидан келган меҳмонлар ўз оромгоҳларида ҳам ана шундай машқлар ўтказишга қарор қилишди.

Я. САЛИМОВ.



ПЎЛАТ қанот лочинларимиз. Овоздан тез учувчи бундай самолётлар ҳавода бир неча соатлаб парвоз этиши мумкин. Ёнилғи тугаганда ҳам улар ерга қўниш майди. Стратосферанинг ўзида бу иш амалга оширилади.

С. Майстерман фотоси. (ТАСС).



ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ тинч океан флоти. Суратда замонавий ўт очиш қуроллари билан жиҳозланган кема Ватанимиз сув чегараларини қўриқлашга отланди.

Ю. Муравин фотоси. (ТАСС).



ТУРКИСТОН ҳарбий округининг «Н» қисм жангчилари бу йигит билан чиндан ҳам фахрланишади. Мирзагалиев ҳарбий хизматга чақирилган кундан бошлаб интизоми, командирлари буйруғини сўзсиз бажариши, сиёсий ва ҳарбий билимларни пухта ўзлаштириши билан қисмдошлар ҳурматини қозонди. Моҳир мерган, оддий солдат И. Мирзагалиев тактик машғулотда. А. Асанов фотоси.

МЕҲНАТДА ҲАМ НАМУНА

Комбинатимизда собиқ жангчилар оз эмас. Улардан бири айланувчи печь машинисти Иван Коротковдир. Қуйида ана шу довюрак жангчи, ажойиб ташкилотчи ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Коротков Ватанимиз бошига оғир кулфат тушган 1941 йилнинг декабрида ўз қалб амрига кўра ёвуз душман билан курашга отланди. Бу пайтда фашистлар Москва бўсаҳаларига яқинлашиб қолишганди. Оддий жангчидан младший лейтенант даражасига кўтарилган взвод командири биринчи Украина фронтининг биринчи гвардиячи армияси сафида хизматини давом эттирарди. У Тернополь шаҳарни душмандан озод қилишда қаҳрамонлик намуналари кўрсатади.

Улуғ Ватан уруши тугагандан сўнг Иван Коротков яна жонажон корхонаси—Бекобод цемент комбинатига қайтади. 1951 йили айланувчи печларнинг энг иссиқ участкасини сув ёрдамида совутиш таклифи учун партия ва ҳукуматимиз уни юксак мукофот-Давлат мукофоти лауреати унвони билан тақдирлади.

Машинист шу кеча-кундузда ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қиляпти. У ўтган ойда бир неча тонна цемент тежаб қолди, пландан ташқари минглаб дона шифер ва асботрубалар ишлаб чиқарди. Биз дўстимиз Иван Коротков билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Э. ҚУРБОНОВ.

ҲАМИША БЎЛСИН ТИНЧЛИК!

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалаба осонликча қўлга киритилмади. Шунинг учун ҳам урушнинг барча даҳшатларига бардош бериб, фашизмни янчиб ташлаб, Зафар Байроғини гитлерчи ёвузлар уясига—Рейхстагга қадаган совет халқи ва унинг шонли Армияси бу ғалабани доим қадрлайди. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг тинчликсевар барча кишилари ҳар доим бутун совет халқига юракларида сақлаб келаётган самимий ҳурматини ва чексиз миннатдорчилигини изҳор қилишади. Бу ҳурмат ва миннатдорчилик жанг майдонларида ҳалок бўлган қаҳрамонларимизга ҳам, бугунги кунда тинчликни қўриқлаётган ва мустаҳкамлаётган замондошларимизга ҳам, боболар ва оталар изидан бориб, урушга қарши тинчликнинг яловбардори бўладиган авлодимизга бағишланади.

Ҳозирги кунда — америкалик империалистлар Вьетнамнинг тинч аҳолисини ёвузларча қонга белаётган, Лаос ва Камбоджа тупроғига қароқчиларча бостириб кираётган, исроиллик қонхўрлар арабларнинг Бакр аль Бахр қишлоғида 76 та гўдакни қонга белаб, ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган ўттиз нафарининг умрини ҳазон қилган, янги-янги жасадлар устида ота-оналарни фарёд чектираётган бир пайтда уруш оловини ёқувчиларга асло бефарқ қараб бўлмайди. Газета саҳифаларида, телевизор экранларида инсон номига исиод солаётган неофашистларнинг ёвузликлари ҳақидаги мудҳиш хабарларни ўқиб, ҳужжатли картиналарини кўриб, қалбингда ғазаб жўш уради. Улуғ Ватан уруши даврида немис-фашистларининг қилган йиртқичликлари бенхтиёр кўз олдингга келади, эсингга тушиб, қонинг қайнайди.

...Уч кундан бери тўхтовсиз ҳужум қилиб бораётган қисмимиз тонг қоронғисида район маркази бўлган Новгородка қишлоғини озод қилиш учун жангга киришди. Қаршимиздаги тепаликда қишлоқнинг чекка уйлари гира-шира кўзга чалинади. Тепалик бағридан айланиб оқаётган кичик бир дарёча қишлоқ ўртасидан ўтар экан. Тепаликка томон ташланганимизда, душман бирдан ёмғирдай ўқ ёғдириб қолди. Қалин қор устига ўзимизни таппа-таппа ташладик, ҳужум бир зум тўхтаб қолди.

— Болаларим, жигарбандларим, дарёча чуқур эмас, мен томонга кечиб ўта беринглар, мен томонга, буёққа!— деган овозни эшитиб қолдик.

Ўнг томонимизда, дарёчанинг нариги қирғоғида турган киши қўлига ушлаб олган телпагини тинмай силкир, бизни ўзи томонга ўтишга қистар эди. Ҳақиқатан ҳам дарёча унча чуқур эмас экан, ким кўкрагигача, ким бўйнигача сув кечиб, ўтиб олди, ўқ селидан қутилдик. Ўлимни писанд қилмай, бизга ёрдам беришга келган украин бобога раҳмат айтиб, у кўрсатган томондан қишлоққа ёриб кирдик, фашистларни суриб чиқара бошладик.

Бир уй ёнидан ўтаётганимизда, аёл кишининг дод-фарёди эшитилиб қолди. Младший лейтенант (афсуски, фамилиясини унутибман) билан бирга ўша уйга ташландик. Талвасага тушиб қолган бир немис офицери украин аёлининг сочларидан бураб ушлаб, унинг панасида ўз жонини сақлаб қолмоқчи бўлаётган экан. Мен эшикни автомат қўндоғи билан бир уриб, ичкарига киргунимча, младший лейтенант дераздан отилиб кириб, фашистни жаҳаннамга жўнатишга улгирди. Аёлни ўлимдан қутқариб қолдик. Бошқа бир гуруҳ жангчиларимиз эса немислар саройга қамаб, ёндириб юбормоқчи бўлган болалар, аёллар ва кексаларни ўз вақтида қутқариб қолишди.

— Эллик йилга яқин яшаган умримда бунчалик ваҳшийликни кўрмаган эдим,—, деди ҳалоскорлардан бири, кекса солдат, дядя Вася (биз взводимиздаги Василий Черновни шундай деб атардик).—Аслида, фашистлар одам бўлмаса керак.

Дядя Вася ҳақ гапни айтган эди. Асл одам одамни ўтга ёқадими, ахир? Ҳақиқий ҳарбий бўлса, аёл кишини ўққа қалқон қилиб, унинг орқасига ўзини паналайдими? Еки гўдакларга найза санчиб, ҳомиладор аёлларнинг қорнини ёриб ташлайдими-а? Ҳа, Улуғ Ватан уруши даврида ўзларини «олий нрқлилар», «юксак маданиятлилар» деб жаҳонга жар солган немис-фашистлар шундай ёвузликлар қилганини халқимиз ҳали унутгани йўқ, унутмайди ҳам.

Ҳозир бундай даҳшатли воқеаларни эсга олиб, хатга тушириш билан ҳурматли газетхонларимизнинг кайфиятини бузмоқчи эмасман, асло! Аммо ҳозирги тинч ҳаётимизни, бахтиёр онларимизнинг янада қадрига етинг, тинчликни мустаҳкамлаш йўлида янада мардона меҳнат қилинг, ўқинг, ўрганинг, демоқчиман. Ҳозирги кунда аудиторияларда лекция тинглаётган йигит-қизларимиз, мактаб ҳовлиларида шўх ва қувноқ кулгилари жараңглаётган нури-дийдаларимиз уруш азобларини бошидан кечиришмади, тўрт юз грамм нон учун кўлида забор карточкаси билан соатлаб навбатда турмади, суткасига мижка қоқмай станок ёнида, далада меҳнат қилганлари ҳам йўқ.

Ҳозирги ва келажак авлодимиз тинч ва бахтиёр яшасин, деб, ўн тўққиз яшар Александр Матросов ўз кўкси билан душман пулеметининг овозини ўчирди, ёш гвардиячилар ёш жонини қурбон қилдилар, йигирма саккиз панфиловчи ёвнинг элликта танкига қарши мисли-сиз қаҳрамонларча жанг қилиб, ғолиб чиқдилар. Тошкент педагогика билим юртида бирга ўқиган дўстим Тошқин Жўлаев ўзи орзу қилган шарафли касбда ишлай олмай, украин қишлоғи Михайловка ёнида абадий кўз юмди. «Урушни тугатиб, эсон-омон элга қайтсак, бутун билим ва меҳримизни болаларни тарбиялашга сарфлайлик-а, ўртоқжон!» дер эди Тошқин. Минг афсуски, севган қизининг сурати ва у совға қилган нафис рўмолчаларини сақлаб юрган юрагидан (чап чўнтагида сақлар эди) ўқ тешиб ўтиб, 1943 йилнинг 12 декабрида ҳалок бўлди у.

Ғалаба йили тугилган гўдак йигирма беш ёшга тўлди. Умр, ҳаёт шундай ўтаверади. Аммо, биз ҳаётга бефарқ қарай олмаймиз. Бизга ҳар қандай ҳаётни эмас, балки боболаримиз Октябрда олиб берган, оталаримиз Улуғ Ватан урушида сақлаб қолган эркин бахтиёр ҳаётни хоҳлаймиз. Хоҳлаймизгина эмас, балки худди шундай ҳаёт учун меҳнат қиламиз, ўқиймиз, курашамиз. Бизнинг ҳозирги эркин, бахтиёр ва тинч ҳаётимизни кўра олмовчи қора ниятли кишилар дунёда йўқ эмас. Америкалик империалистларнинг, уларнинг малайлари бўлган исроиллик, сайгонлик, жанубий кореялик ва бошқа кўғирчоқ қонхўрларнинг ниятлари шундай қора. Йўқ, инсон номига исиод келтираётган ёвузларнинг бу ниятлари сира ҳам рўёбга чиқмайди. Жаҳоннинг тинчликни, эркинликни қадрловчи барча кишиларининг қаҳр-газабига дуч келади улар.

Буюк ғалабамиз билан ҳамиша фахрланинг! Эркин, бахтиёр ва тинч ҳаётимизнинг кайфини суринг, уни қадрланг! Айни вақтда янги уруш оловини ёқмоқчи бўлаётган ёвуз ниятли кишиларга қарши қалбингизда ғазаб ва нафрат бир зум ҳам сўнмасин, азиз замондошим!

Б. МИРЗААҲМЕДОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси.

ТОҒЛАРИМ МУНЧА БАЛАНДСИЗ?

(УҒЛИМ ШОДИВОЙНИНГ «ОҚТОШ» ЛАГЕРИГА БОРИБ, ТОҒЛАР БИЛАН СУЗЛАШГАНИ)

Тоғлар айтинг яна қандай ишингиз,
Иккинчиси осмоним, гўзал оламсиз.
Табиат биноси тош кўргонмисиз,
Боболар қуришган бош кўргонмисиз?
Жуда ҳам кўркамсиз, ҳадсиз улкансиз,
Айтинг тоғларим, қай ишла бандсиз?
Она ер девори-пўлат кўргонсиз,
Бўронлар йўлига тўғон қурганмиз,
Табиат соқчиси тоғ-посбонмиз.
Ватанинг кўксимиз, фидо қалқонмиз.
Дам олар жойларинг, роҳат маконмиз,
Халқ мулки, абадий хазина конмиз,
Тоғлар айтинг яна қандай ишингиз,
Улуғвор жаҳондай кўринишингиз?
— Дарёлар бошимиз, шалоламиз бор,
Булутлар подаси — говмушлар бисёр,
Кўксимиз оқ мармар кумуш пахта қор,
Чирчиқ, Сирларини шарқиратамиз,
Ильич лампасини ярқиратамиз.
— Тоғларим айтингиз, қанча ёшингиз?
Санаб бўлармикин қанча тошингиз?
— Миллион йиллардан ошган ёшимиз,
Саноқсиз, ҳисобсиз хирмон тошимиз.
Яшаймиз сизлар деб кўз тикиб ҳамон,
Ўтмоқда йиллар, асрлар замон.
Юкимиз оласиз фарзандлар қачон?
Шу сабаб баландмиз осмондек улкан.
— Тоғлар, тоғларим, энди билдик биз,
Қоя чўққингизга чиқиб кўрдик биз.
Боғлар, ўрмонлар, туганмас конлар,
Юкингиз олмоққа керак полвонлар.
Ўша полвонлар бизлар бўламиз,
Кичкинтой шахтёрлар бизлар бўламиз.
Эй тоғлар сизларни қамраб оламиз,
Бутун кучингизни ишга соламиз.

Қуддус МУҲАММАДИЙ





Иссиқ ёз кунлари Тошкент денгизи дам олувчиларни ўзига чорлайди. Бу ер айниқса шанба ва якшанба кунлари шаҳардан борган меҳнаткашлар билан гавжумлашиб кетади. Елканли ва моторли қайиқлар, арғимчоқлар ҳамда бошқа қўнгилочар воситалар улар хизматида бўлади. Суратда: Тошкент денгизида. А. Абалян фотолари.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

РУАНДИ ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

БУЖУМБУРА, 2 июль. (ТАСС). Руанди халқи ўзининг миллий байрами, республика тузилганлигининг 8 йиллигини тантанали суратда нишонлади. Шу муносабат билан республика президенти Грегуар Кайибанда нутқ сўзлаб, Руанди халқини мамлакатни ижтисодий ривожлантиришга ва саводсизликни тугатишга кўмаклашишга даъват қилди. Президент таъкидлаб ўтдики, ҳукумат бундан кейин ҳам Африкадаги мустақил давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик сиёсатини ўтказаверади.

Байрам охирида ҳарбий парад ва оммавий сайил бўлиб ўтди.

ҒАРБИЙ ПОКИСТОННИНГ ЯНГИ МАЪМУРИЙ БЎЛИНИШИ

КАРОЧИ, 2 июль. (ТАСС). Ғарбий Покистоннинг маъмурий бўлиниш картаси кеча ўзгартирилди. Унинг территориясида мавжуд 15 та «бирлашган вилоят» ўрнига янгидан тўртта вилоят: Панжоб, Ғарби-Шимолий чегара вилояти, Синд ва Белужистон ташкил этилади. Президент Яҳёхоннинг фармонига биноан ҳар бир вилоятга губернатор бошлиқ қилиб қўйилади, маҳаллий маъмурият, вилоят парламенти, олий суд ва бошқа ҳокимият органлари тузилади. Вилоятларнинг 1970—1971 молия йили учун бюджетлари эълон қилинди.

МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИ— ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Эртага — эрксевар Жазоир халқи француз мустамлакачилари асоратидан озод бўлган кун. Жазоир Халқ демократик Республикаси меҳнаткашлари бу кунни саккизинчи марта байрам қилмоқдалар.

Жазоир—Африка қитъасидаги энг қадимий давлатлардан бири бўлиб ўтмишда кучли ва мустақил давлат бўлган.

Аммо XIX асрга келиб, империалистик давлатлар, биринчи навбатда француз мустамлакачилари Жазоирга тажовуз қила бошладилар. Ниҳоят, 1830 йилда Франция Жазоирни батамом ўзига қарам қилиб олди.

Жазоир халқи француз мустамлакачиларига қарши тинимсиз кураш олиб борди. Бу кураш иккинчи жаҳон урушидан сўнг янада қизиб кетди. 1954 йилда мустамлакачиларга қарши қуролли ҳаракат бошланди. Кураш етти йилдан ортиқроқ давом этди. Натижада, Жазоир халқи ўз мустақиллигини қўлга киритди. Жазоир Халқ Демократик Республикаси тузилди.

Жазоир қадимдан аграр мамлакат бўлиб, аҳолининг 80—85 процента қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Қишлоқ хўжалиги мамлакат экономикасида салмоқли ўрини эгаллайди. Ҳозирда Жазоир ҳукумати миллий саноатни ривожлантириш чораларини тинмай амалга оширмоқда. Саноат корхоналари асосан қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайди.

Қисқа муддат ичида саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида бир қанча ютуқлар қўлга киритилди. Мамлакатда янги завод ва фабрикалар қад кўтарди. Социалистик соҳада ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Илгари чет эл мустабидлари эгалик қилиб келган уч миллион гектардан кўпроқ ер эндиликда Жазоир деҳқонларининг мулкига айланди.

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси, Министрлар Советининг Раиси Хуари Бумиддининг айтишича, ижтисодий мустақилликка эришилмас экан, Жазоир халқи ўзини озод деб ҳисоблай олмайди. Жазоир ҳукумати кон ва шахталари, чет эл банклари ва страхование жамиятларини, саноатнинг турли соҳаларини национализация қилганлиги, нефть маҳсулотлари ва газ тақсимлаш тармоқларини давлат назоратига ўтказганлиги мантиқан чорлардир.

1970 йил июнида Жазоир ҳукумати Саҳрои Кабирда нефть қазиб чиқариш билан шуғулланувчи бир қанча ажнабий нефть компанияларини давлат ихтиёрига олди. Уларнинг энг каттаси Англия билан Голландиянинг «Шелл» компаниясидир. Бундан ташқари, Италия, Ғарбий Германия ва Америкаларнинг қатор компаниялари ҳукумат назоратига остига олинди.

Жазоир халқига янги ҳаёт қуришда Совет Иттифоқи катта ёрдам кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда СССР Жазоир билан биргаликда 82 объект қуришда, шу жумладан 60 дан ортиқ саноат корхоналари қуришда қатнашмоқда. Ўтган йил 19 июнда Алжажар металлургия комбинати биринчи марта чўян эритиб берди. Совет инженерлари иштироки билан қурилаётган бу комбинат Жазоирда металлургия саноатини вужудга келтириш учун негиз бўлади. Мамлакатимиз миллий кадрлар тайёрлашда ва бошқа ишларда ҳам Жазоирга бегараз ёрдам кўрсатиб келаяпти. СССР билан Жазоир Халқ Демократик Республикаси ўртасида ўзаро манфаатли савдо алоқалари, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик тобора ривожланаяпти. 1966 йилдан то шу кунгача ҳар иккала мамлакат ўртасидаги товар оборати ҳажми 4—5 бараварга кўпайди. Жумладан, серҳўёш республикамизда тайёрланган машиналар ва асбоб-ускуналар Жазоирга юборилиб турибди.

Жазоир Халқ Демократик Республикаси ноколониалистик тараққиёт йўлидан бориб, социализм қуриш шиорини илгари сурмоқда. Эрксевар Жазоир халқи бу йўлдан оғишмай бораверади ва улкан ютуқларни қўлга киритаверади.

Т. ФАЙЗИЕВ,
тарих фанлари кандидати.



БОЛГАРИЯ. Варнада янги қурилган «Қора денгиз» заводи маҳсулот берабошлади. Бу корхонанинг кўпгина қисмлари СССРдан келтирилган. Заводнинг 70 процент маҳсулоти ўзаро иқтисодий ёрдам қатнашчилари бўлган мамлакатларга экспорт қилинади. Суратда: заводнинг умумий кўриниши. БТА-ТАСС фотоси.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

Ғарбий Бенгалияда ҳинд меҳнаткашлари ўзларининг ҳаётий ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, янги кучли ҳаракат бошладилар. 25 та йирик тўқимачилик фабрикасининг 50 мингга яқин ишчиси иш ҳақининг кўпайтирилишини ва моддий аҳволнинг яхшиланишини талаб қилиб, иш ташладилар. Улар 16 та фабрикани маъмурият ёпиб қўйганидан кейин ишдан маҳрум бўлиб қолган 20 минг ўз ўртоқлари билан бирдамлик юзасидан шу забастовкани ўтказмоқдалар.

* * *

«Крайслер» ва «Рут мотор» компанияларининг минглаб меҳнаткашлари «Форд» фирмасининг Венесуэладаги Валенсия шаҳрида жойлашган заводи биноси ёнида шу корхонанинг автомобиль йиғувчилари билан бирдамлик намойиши ўтказдилар. Автомобиль йиғувчилар иш ҳақининг кўпайтирилиши ва ишдан бўшатилган ўртоқларининг қайтариб ишга олиниши учун курашмоқдалар. Иш ташлаганлар билан бирдамлик ҳаракати бутун Венесуэлада кенгаймоқда.

Металлургия саноати меҳнаткашлари миллий федерацияси эълон қилган баёнотда айтиладики, маъмурлар ажнабий компаниялар манфаатини кўзлаб кураётган чоралар «коллектив меҳнат шартномаларини назарписанд қилмаётган ва бунинг устига венесуэлаликларнинг уюшган ишчилар ҳаракатини йўқотишга интилаётган ажнабий фирмаларнинг фитналарига қарши курашни ва бирдамлик кампаниясини кучайтиришга ҳалақит бера олмайди».

* * *

Доминикана республикасининг Бонао шаҳрида жойлашган ва Канадага қарашли бўлган «Фалконбриж» фирмасининг ишчилари курашни давом эттирмоқдалар. Улар иш ҳақининг кўпайтирилишини, турмуш ва меҳнат шароитларининг яхшиланишини талаб қилмоқдалар. Корхона эгалари уларнинг талабини қондиришдан бош тортдилар. Улар 200 кишини, шу жумладан касаба союз раҳбарларидан 27 кишини ишдан бўшатиб юбордилар. (ТАСС).

ҲАВАСКОРЛИК САНЪАТИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА—МУКОФОТЛАР

Яқинда пойтахт области ва Тошкент шаҳри касаба союзлари ҳавасқорлик санъати иштирокчиларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари, пропаганда ва агитация бўлимлари мудирлари, шаҳар ва район маданият бўлимлари мудирлари, маданият саройлари ва уйларининг ҳавасқорлик тўгараклари раҳбарлари, касаба союз ходимлари қатнашдилар.

Йиғилишни область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўртоқ Ш. Н. Тошпўлатов қисқача кириш йўтқи билан очди.

Маълумки, улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги юбилейи муносабати билан жойларда бадиий ҳавасқорлик коллективларининг кўриклари бўлиб ўтди. Ана шу ижодий имтиҳонда жуда кўп коллективлар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Ўша куни кўрикка якун ясалди. Жанрлар бўйича кўрик жюрилари бошлиқларининг ҳисоботлари тингланди. Тошкент Давлат консерваториясининг доценти И. Понамарев, олима Л. Авдиева, санъатшунослик фанлари кандидати В. Бьяченко ва санъатшунос В. Сарнициялар сўзга чиқишиб, қилинган ишлар ва белгуланган тадбирлар тўғрисида гапириб бердилар.

Кўрик жюриларининг қарорига биноан, область ва шаҳардаги 35 та бадиий ҳавасқорлик коллективи область касаба союзлари Советининг биринчи ва иккинчи даражали дипломлари билан тақдирланди. Булар орасида Чирчиқдаги Кимёгарлар маданият Саройи, Ангрен шаҳридаги «Строитель» клуби, Бекободдаги Металлургларнинг маданият Саройи бадиий ҳавасқорлик коллективлари ҳам бор.

Тақдирланган бадиий ҳавасқорлик коллективларига қимматбаҳо буюмлар ҳам берилди.

ЕШ ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Волгоград шаҳридан Тошкентнинг «Динамо» ёшлари командаси волейболчилари қайтиб келди. Ҳамшаҳарларимиз у ерда жамият марказий Совети биринчилигида иштирок этдилар. Вакилларимиз Москва, Иркутск, Ленинград, Сочи ва Воронеж волейболчилари билан бўлган учрашувларда ғалабага эришдилар. Ҳамма ўйинларни мағлубиятсиз ўтказиб, жамият чемпиони фахрли номини олдилар.

«ПОЛИТОТДЕЛ» ҒАЛАБАСИ

«Политотдел» колхози футболчилари Ульяновскнинг «Волга» командасини қабул қилиб 2:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Бу ғалаба колхоз футболчиларини яна пешқадамлар сафига кўтаришга имкон берди.

29 июнь куни бўлган кейинги тур республикамизнинг қолган икки вакили — «Нефтяник» ва «Трактор» (Тошкентни ўзаро учраштирди. Фарғоналиклар меҳмонлар дарвозасига бир тўп киритиб, икки очко олдилар.

Кеча «А» класси иккинчи группа командалари навбатдаги учрашувларини ўтказдилар. «Политотдел» коллективи Тольятти шаҳрининг «Торпедо» командасини қабул қилди.

«Трактор» Чимкентнинг «Металлург» командаси билан, «Нефтяник» Кемеровонинг «Кузбасс» футболчилари билан мусобақалашди.

«ПАХТАКОР» ҒАЛАБАСИ

«Спартак» (Оржоникидзе) — «Пахтакор» ўртасидаги ўйин тугашига уч минут қолганда Э. Абдураимов ошириб берган тўпни В. Радионов майдон эгалари дарвозасига йўналтирди. Бу ягона тўп тошкентлик футболчиларга муҳим ғалаба келтирди.

Олий лига командалари ўртасидаги сўнгги турнинг бошқа учрашувлари қўйидагича тугади: ЦСКА — «Спартак» (М) — 2:1; «Динамо» (М) — «Динамо» (К) — 1:0, «Нефтчи» — «Динамо» (Тб) — 1:0, «Зенит» — «Шахтер» — 3:2, СКА — «Заря» — 0:0, «Черноморец» — «Динамо» (Мн) — 2:2, «Торпедо» (Кт) — «Арарат» — 0:0.

Бугунга келиб турнир жадвалидаги вазият қуйидагича:

Командалар	У.	Т.	О
ЦСКА	13	23—7	19
«Динамо» М	13	21—6	18
«Динамо» К	13	16—9	18
«Динамо» Тб	13	19—8	17
СКА	13	10—6	16
«Торпедо» М	13	14—12	15
«Арарат»	13	11—9	15
«Нефтчи»	14	12—9	14
«Заря»	14	7—12	14
«Спартак» М	13	19—14	13
«Торпедо» Кт	13	7—10	11
«Черноморец»	14	9—13	11
«Пахтакор»	13	8—23	10
«Динамо» Мн	13	11—16	9
«Зенит»	13	13—20	9
«Шахтер»	13	9—20	9
«Спартак» О	13	8—23	5

Ҳозир ҳужумчилар бахсида ўнга тўп киритган В. Козлов (Москва «Динамо»си) олдинда бормоқда.

УЗБЕКИСТОН — КОЗОҒИСТОН

Ўтган пайшанба куни «Пахтаорол» совхози стадиони ишқибозлар билан гавжум бўлди. Бу ерда «Пахтакор» марказий совети спартакиадаси тантанали равишда очилди. Шундан сўнг майдонга Қозоғистон ва Узбекистон республикалари «Б» класси футболчиларидан ташкил топган терма командалар тушди. Гоят қизиқарли ўйин учрашув 1:0 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлди. Узбекистон футбол федерациясининг катта тренери М. Шарипов тайёрлаган командамиз ҳисобни тенглаштириши мумкин эди. Лекин капитан Карим Муминов 11 метрлик штраф тўпини киритаолмади. Бу ўртоқлик учрашуви резервларимизни синаб кўриш, «А» классига муносиб ўринбосарлар актариш мақсадида ўтказилди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Спорт

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

9.55 — Кўрсатувлар программаси.

Ўзбек тилида: 10.00 — «Хушвақт бўлинг» (Мусиқали дам олиш программаси). 10.40 — «Сеҳргар ороли» (Бадиий фильм). 11.40 — Болалар учун мультфильм.

12.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

16.55 — Кўрсатувлар программаси. 17.00 — Телеэнгликлар (рус тилида).

Ўзбек тилида: 17.10 — Телевизион кўғирчоқ театри. 17.40—Болалар учун мультфильм. 18.00 — «Ешлик» студияси кўрсатади. «Газалхон ёшлигим», 19.00 — Телеэнгликлар. 19.15 — «Сой соҳили сўлим-сўлим» (Лирик концерт). 20.00 — Кўрсатувлар программаси.

20.05 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.05 — «Турмуш ва маданият» программаси. 20.45 — Халқ хофизларининг концерти. 21.25 — «Сатурн»нинг ҳалокати» (Бадиий фильмнинг 2-серияси).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ДУШАНБА КУРСАТАДИ

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИҚАЛИ ТЕАТРИДА—4/VII да Қайнона. 5/VII да Фарғона тонг отгунча. 6/VII да Тошболта ошиқ.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Елканлар бўлса.., — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни). «МОСКВА» (кундуз соат 2, кеч 8 ва 9.40 минутда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6, 8 да).

Қора лола — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК». (кундуз ва кечқуруни), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4 кеч 10 да).

Яшасин севги! — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», НАВОИЙ НОМЛИ, «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқуруни).

Катта ронировка — «МОСКВА» (кундуз соат 12, 4, кеч 6 да).

Саргузашт изловчилар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутда бошланади)

Елканлар бўлса.., — «ФЕСТИВАЛЬ».

Яшасин севги! — «ХИВА».

Кашмирдаги севги — ТЕЛЬМАН НОМЛИ.

Озод туғилган — «РАКЕТА».

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
(кураш майдонида)

4 ИЮЛДА

В. И. ЛЕНИН ДЕКРЕТИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

«Студентлар хандаси» МИНИАТЮРАЛАР ТЕАТРИНИНГ ижодий концерт кечаси ўтказилади

Кечага қатнашадилар: Филология фанлари кандидати — Расул МУҲАММАДИЙ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист — Бахтиёр ИХТИЕРОВ;

Интермедия, миниатюра ва хажвий қўшиқлар: Р. МЕЛИ-ҚУЗИЕВ, Е. ЭРНАЗАРОВА, А. АҒАЗОВ, М. АСАДУЛЛАЕВ, М. МИРЗААҲМЕДОВА, Р. САИДОВЛАР;

ХОНАНДАЛАР: ИКРОМЖОН БУРОНОВ, Д. ЖАЛОЛОВА, Э. МУАЗЗАМОВ, Н. ҚУЛМАТОВ ва бошқалар.

Программани — М. МУСАЕВА ва А. ОРТИҚОВ олиб боради.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА
(кураш майдонида)

5 ИЮЛДА

ҲАЙРУЛЛА ЛУТФУЛЛАЕВ ВА ИКРОМЖОН БУРОНОВ иштирокида

ЕШ ТАЛАНТЛАР КОНЦЕРТИ

ПРОГРАММАДА: Сиз ёқтирган лирик қўшиқлар, сатира, ҳажвия ва интермедиялар, совет ва шарқ халқларининг қўшиқ ва куйлари.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Мулзам бўлди

ИНТЕРМЕДИЯ

Тошхоланинг ҳовлиси. Кечагина тушган келини Ҳадича ҳовли супуриш билан машғул. Тошхола эса, қўллари белида, келинини тинглаб-тергарди.

Тошхола — Вой ўлмасам, қудам бечора ҳовли супуришни ҳам ўргатмаган эканлар-да, шатир-шутир, шатир-шутир — бунақада супургининг жонини сугириб одасиз-ку, келинпошша.

Ҳадича — ...

Тошхола — Чақир-чуқур ерлардаги ахлатни қўлингиз билан тозалаб олиб, ундан кейин супургинг учи билан мана бундай қилиб, аваалаб олинг, ҳўпми. Бунақада супурги чидайдими (Ҳадича супуришда давом этади). Энди кузатиб турган қайнонанинг яна фиғони фалакка чиқади.

Тошхола—Оббо, сизга ўргатаверибўлиб бўламан шекилли. Яна тасир-тусур, шатир-шутир, ер сабаалаяпсими... Супургини менга беринг!

Ҳадича (Ийманибгина) Ойижон...

Тошхола — Боринг китобингизни ўқинг, сизни ўқишга юборган экан. (Шовқиндан хабар топган ён қўшни Меҳрихола чиқади).

Меҳрихола — Овсинжон, тинчликми. келинпошшани нега койияпсиз.

Тошхола — Шўргинам қурсин, пешонам намунча шўр бўлмаса келин ҳовли супуришиям билмаса-я.

Меҳрихола — Супуриш бундан ортиқ бўладими. Сизга нима ёқувди ўзи. Келин қелганидан бери уйингизга файз кирди-қолди-ку...

Тошхола— Файз кирмай ўлсин, қудам ўлгур мени боплабди...

Меҳрихола — Қўйинг-с, сизни қўлга тушириб бўлармиди овсин.

Тошхола — Мени қўлга туширгани бўлса, палак, гулкўрпа, қозиқлунгилари қани. Палак ўрнига анави жўғрофиясини олиб келибди, живир-живир, шу ҳам мол бўлди-ю... Ҳамманинг келини сандиқ-сандиқ сарпо олиб келса, бу киши сандиқ-сандиқ китоб ортиб келибдилара... Эртадан кечгача кўзини китобдан узмай ўқигани-ўқиган. Ўқиб шаҳар олиб берармиди, ўргилай.

Меҳрихола — Сизнингча келин деган ўқишини онасиникида битириб келса-а...

Тошхола — Ох, ох... Оғзингизга новвот, кўнглимни топасиз-а. Келин деган ишлаган пулининг ҳаммасини қайнанасининг қўлига олиб келиб берса. Қуртдек қилиб санаб олсам...

Меҳрихола — Ундан кейин трамвай пулини ялинib-ёлвориб сиздан сўраса, ҳеч нарсани билмайсиз-а. Яхшиям эски замонлар ўтиб кетди. Келинларимиз ўқимишли, ўз йўлларини топиб олишган.

Тошхола — Сизнинг қизингиз Сурайёни ўқимишли қиз деса бўлади. Ўнглинамга айтдим, тўйга шошмайлик, қизнинг тагтахтини, мол-дунёсини суриштирайлик деб...

Меҳрихола — Суриштирдингизми?

Тошхола — Каримжонингиз мени суриштиргани қўйдими Розилигимгаям қарамай уйланди-олди... (Шу пайт эшикдан китоб кўтариб Сурайё кириб келади).

Сурайё — Салом алайкум

Тошхола — (қизга суқланиб) Ва-алайкум ассалом, бўйларингга тасаддиқ, бир қизга етти қўшни ота-ота дейишади. Малол келмаса мени озроқ юмушимга қарашворсанг...

Сурайё — Жоним билан холажон.

Меҳрихола — Хизматингиз бўлса бемалол буйраберинг холаси.

Тошхола — Ошхонада иккитагина сочиқ бор эди. Шуни ювиб бергин қизим.

Сурайё — Тавба Ҳадича опамла кеча биттаям кир қўймай ювaётган эдилар-ку. (Сурайё дазмолланган 5-6 та сочиқни қўлига олиб чиқади). Бу дизмолланган сочиқлар...

Меҳрихола (Сочиқларни кўриб) Сен сочиқларни эмас холангнинг кўнглидаги кирларни ювиб ташлашинг керак. Бирданига бешолтита сочиққа қўл артасизми овсин. сатқаи одам кетинг. (Меҳрихола чиқиб кетади).

Тошхола — (Ноқулай ҳолатда) Хўш қизим, менда ишинг борми.

Сурайё — Йўқ, холажон, Ҳадича опамлардан ўқиш юзасидан бир маслаҳат сўрамоқчи эдим.

Тошхола — Шунча одамлар турганда келиб-келиб Ҳадичадан маслаҳат сўрайсанми?

Сурайё — Нима деяпсиз. Мен у кишининг қўлларида ўқийманку. Ҳадича опам тарих фанлари кандидати. Бизларга ўхшаган студентларга дарс беради.

Тошхола — Нима... Келинима.

Сурайё — Ҳа, сизнинг келинингиз (Сурайё ичкари уйга қиради, Тошхола ёлғиз).

Тошхола — Тавба, бу тушимми, ўнгим... Ширинсўзлиги, одоблилиги, камтарлиги билан мени енгди-я.

(Ичкаридан кийиниб Ҳадича билан Сурайё чиқишади).

Ҳадича — Ойижон, мен ишга бориб келай, тез қайтаман.

Тошхола — (Меҳр билан келинини бағрига босиб, хижолат оҳангида). Опангиз ўргилсин, тез қайтақолинг...

(Тошхола мулзам бўлиб қолади, келинини нузатаётиб супургига қоқилиб йиқилаёзади, уни оёқ учида суриб, ғудранади). Ҳа, супурги бўлмай ўл, фалакат, шуни деб...

(Бу пайт кўча эшикка бориб қолган Ҳадича Сурайёга қараб маъноли жилмайиб қўяди).

Ҳадича — Оббо, одамлар тушмагурей, кексалик-да...

Аҳида ЕҚУБОВА.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64697.
Г. 1681. Р — 02665.